

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРЪОНШУНОСЛИК
фани бўйича
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент 2010

Тузувчилар:

Д.Раҳимжонов – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси мудири,

тарих фанлари номзоди, доцент

Р.Обидов – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси ўқитувчиси т.ф.н., доц.

А.Аллоқулов – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси ўқитувчиси

А.Солиев – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси ўқитувчиси

КИРИШ

Қуръоншунослик курси бўйича мазкур ўқув қўлланмада талабаларга ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланмиш Қуръони карим ҳақидаги атрофлича билим ва йўналишлар берилган. Унда Қуръоншунослик фанининг вужудга келиши, ривожланиши, мусулмон оламида ва умуман дунёда бу соҳани тадқиқ этишдаги ёндашувлар ҳақида маълумот берилади. XIV аср мобайнида мусулмон оламида Қуръон илмлари мунтазам ривожланиб борди. XV асрдан бошлаб Ғарбда ҳам бу манбага қизиқиш ортди ва уни ҳар томонлама илмий тадқиқ этиш бошланди. Китобнинг тили, ёзилиш услуби, тарихий воқеъликни ўзида акс эттириши жиҳатидан ўрганилди.

РЕЖА:

1. Қуръоншунослик – Қуръонни комплекс ўрганувчи фан.
2. Қуръоннинг нозил бўлиши ва жамланиш тарихи.
3. Қуръон илмларининг шаклланиши.

Қуръоншунослик – Қуръонни комплекс ўрганувчи фан.

Қуръоншунослик – Қуръон ва у билан боғлиқ илмларни комплекс ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади. Қуръон илк ислом давридан бошлаб мусулмон оламида катта қизиқиш билан ўрганилган.

Бу манба ўзида ҳар томонлама кенг қамровли маълумотни мужассам этгани сабабли кейинчалик дунё миқёсида ўрганилди. Даставвал, Қуръонга соф диний манба сифатида қаралган бўлса, кейинчалик у тарихий ва этнологик манба сифатида илмий тадқиқ этила бошлади. Ислом динининг бошқа ҳудудларга тарқалиши натижасида Қуръонни ўрганувчиларнинг кўлами кенгайиб борди.

Қуръон тафсир, тажвид, фикҳ, калом каби исломшунослик фанларининг шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Қуръонни ўрганишда теологик ва илмий ёндашув мавжуд. Теологик ёндошувда Қуръонга соф илоҳий манба сифатида қаралади. Унда асосан ибодат билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилади. Унга кўра, Қуръон оятларини ўқиш, яъни тиловат қилиш ибодат ҳисобланади.

Илмий ёндошувга кўра Қуръонга ўша давр ижтимоий, маънавий, маданий ҳолати ҳақида атрофлича маълумот берадиган тарихий манба сифатида қаралади. Зеро, Қуръон ундан олдинги халқлар ҳақида ҳам маълумотларни ўзида мужассам қилган.

Қуръоннинг нозил бўлиши ва жамланиш тарихи. Ислом таълимотига кўра, Қуръони карим Аллоҳ тарафидан 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) Жаброил фаришта (а.с.) орқали баъзан оят-оят, баъзан эса

тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб ҳисобланади. Бу китоб ислом динининг муқаддас манбасидир.

Мазкур муқаддас китобнинг бир неча номлари бўлиб, улардан “Қуръон” (*араб.* ўқиш), “Фурқон” (*араб.* фарқловчи), “ал-Китоб” кўринишлари машҳур. Қуръон 114 та сурадан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта, энг кўпи 286 оятни ўз ичига олади. Оятлар сони эса, Қуръон матнларини тақсимлашнинг турли йўллариغا кўра, 6204 та, 6232 та, ҳатто 6666 тагача белгиланган. Бу ҳар хиллик Қуръон нусхаларининг бир-биридан фарқли эканини эмас, балки ундаги оятларнинг турли қироат мактаблари (уларнинг сони 14 дан ортиқ) анъаналарига кўра турлича тақсимланиши билан боғлиқ.

Қуръондаги суралар ўз мазмунига ёки нозил бўлган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки Муҳаммад (с.а.в.) белгилаб берган тартиб асосида пайғамбар вафотларидан кейин жамланган.

Ислом манбаларига кўра, Қуръон *Қадр кечасида Лавҳу-л-маҳфуз* (сақланган ёзув)дан дунё осмонига туширилган. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Бақара сурасида шундай дейилади: “Рамазон ойи - одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир” (185-оят). Шунингдек, Духон сурасининг 3-оятида “Албатта, Биз уни муборак кечада нозил қилдик”, Қадр сурасининг 1-оятида “Албатта, Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик” дейилган. Мазкур уч оят бир-бирини тўлдириб келган. Чунки, муфассирлар таъкидлашича, “Муборак кеча” дейилганда “Қадр кечаси” тушунилади ва у Рамазон ойи кечаларидан бири.

Қуръоннинг Муҳаммад пайғамбарга 23 йил мобайнида туширилиши, ислом таълимотига кўра, унинг иккинчи босқичдаги нозил қилиниши, яъни дунё осмонидан ерга индирилиши ҳисобланади. Унинг илк оятлари Муҳаммад пайғамбарга Ҳиро ғорида нозил бўлганлиги мусулмон манбаларида қайд этилган. Ривоят қилинишича, Муҳаммад (с.а.в.) қирқ ёшга тўлганларида асосий вақтларини Ҳиро ғорида ибодат билан ўтказар эдилар. Мана шундай ибодат билан машғул бўлиб турган пайтларида Жаброил фаришта келиб “Ўқинг!” дейди. У киши “Мен ўқишни билмайман” дейдилар. У фаришта белларидан шундай қисади-ки, ҳатто Расулуллоҳ қийналиб кетадилар. Сўнг қўйиб юбориб

яна: “Ўқинг” дейди. “Мен ўқишни билмайман” дейдилар. У яна қисади, яна қийналадилар. Сўнг қўйиб юбориб яна бир бор: “Ўқинг!” дейди. “Мен ўқишни билмайман” деб учинчи маротаба жавоб қайтарадилар. У яна ушлаб қисади, сўнг қўйиб юбориб Алақ сурасининг қуйидаги беш оятини ўқийди: “(Эй, Муҳаммад, бутун борлиқни) Яратган Зот бўлмиш Раббингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамли зотдир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди”. Бу воқеадан сўнг Расулulloҳ титраб, уйларига қайтдилар. Ҳадича (р.а.)нинг олдига кириб: “Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!” дедилар. Пайғамбарнинг қўрқувлари тарқагунга қадар у кишини ўраб қўйишди. Муҳаммад (с.а.в.): “Менга нима бўлди ўзи?” деб, Ҳадича (р.а.)га бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар ва “Қўрқиб кетяпман!”, дедилар. Ҳадича (р.а.): “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ Сизни ҳеч қачон хор қилиб қўймас! Ахир Сиз яқинларингиз ҳолидан хабар оласиз, қийинчиликка сабр қиласиз, камбағаллар ҳолидан хабар оласиз, меҳмонни иззат-икром қиласиз, бошига мусибат тушганларга ёрдам берасиз!” дедилар.

Шунда яна ваҳий келиб, “Эй, (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад), туринг-да, (инсонларни охираг тўғрисида) огоҳлантиринг...” деб бошланувчи “Муддассир” сураси тўлиқ ҳолатда нозил бўлади.

Мазкур ривоятдан келиб чиқиб, Қуръондан энг биринчи нозил бўлган қисми “Алақ” сурасининг бошидаги беш оят бўлса, энг биринчи нозил бўлган тўлиқ сура “Муддассир” сурасидир деган хулоса қилинади.

Муҳаммад (с.а.в.)дан Қуръон оятларини эшитган мусулмонлар уларни ёдлаб олардилар. Ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб хурмонинг пўстлоғи, япалоқ тош, катта суяк, тери ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар. Улар “Куттоб ал-ваҳй” (ваҳийни ёзиб олувчи котиблар) деб ном олганлар.

Шу тариқа Қуръон 13 йил Маккада ва 10 йил Мадинада нозил бўлди.

Энг охириги нозил бўлган оятлар сифатида қуйидаги оятлар кўрсатилади:

– Бақара сурасининг 281-ояти: «Барчангиз Аллоҳга қайтадиган

ва ҳар бир киши зулм қилинмасдан амалига яраша эваз оладиган кундан кўрқинглар!».

– Нисо сурасининг 176-ояти: «Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг (Эй Муҳаммад): «Аллоҳ сизларга отаси ҳам, фарзанди ҳам бўлмаган одам тўғрисида (шундай) фатво беради».

– Моида сурасининг 3-ояти: «...Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим...».

Сура ва оятлар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра иккига бўлинган: *Маккий* (Маккада нозил қилинган) суралар ва *Маданий* (Мадинада нозил қилинган) суралар.

Маккий сура ва оятлар қисқа, лекин кенг маънони ўзида қамраб олган, эшитган кишини ларзага келтирувчи балоғатли ва жарангдор лафзлар билан ёзилган бўлиб, мазмун жиҳатдан яккахудоликка ва Аллоҳнинг ўзигагига ибодат қилишга тарғиб, *рисолат* (пайғамбарлик)ни, қайта тирилиш ва ҳисоб-китобни тасдиқлаш, қиёмат ва ундаги ҳолатлар, дўзах ва унинг азоби, жаннат ва ундаги неъматлар, борлиқдаги мўжизалар ҳақидаги оятлардир.

Маданий сура ва оятлар эса узунроқ бўлиб, мазмунан ижтимоий ва ҳуқуқий қонун қоидалар, ахлоқ нормалари, ноҳақ қон тўкишларни қоралаш, етимларнинг молини зулм билан ейиш ва қизларни тириклайин кўмиш каби ёмон иллатларидан қайтариш каби мавзуларни қамраб олган. Шунингдек, бу оятлар ибодат ва муомалот, оилавий муносабатлар, мерос тақсимооти, бошқа халқар билан ўзаро алоқаларни ёртишга ҳам қаратилган.

Қуръоннинг жамланишини шартли равишда Пайғамбар (с.а.в.), Абу Бакр Сиддиқ, Усмон ибн Аффон даврларига бўлиш мумкин.

Илк ислом даври билан боғлиқ оятлар тарқоқ ҳолда бўлиб, бир мажмуа ҳолига келтирилмаган эди. Бунга сабаб, биринчидан, Пайғамбар ҳаёт бўлган илк даврда Қуръон оятлари вақти-вақти билан доимий равишда нозил бўлиб, уни жамлаб китоб ҳолига келтириш ҳали долзарб масала даражасига кўтарилмаган эди. Иккинчидан, бу даврда одамлар орасида «ҳали ваҳий тушиши узоқ давом этади», деган кайфият ҳукмрон эди. Шундай қилиб,

биринчи босқич даврида Қуръон кишиларнинг хотирасида ҳамда турли нарсаларга ёзилган ҳолда сақланди.

Пайғамбарнинг (с.а.в.) вафотларидан сўнг баъзи араб қабилалари у кишининг ўринбосари бўлмиш Абу Бакр Сиддиқ ҳукмронлигига қарши чиқдилар ва закот тўлашдан бош тортдилар. Бу ҳодиса ислом тарихида «Ридда» (диндан қайтиш) ҳодисаси сифатида баҳоланади. Арабистон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган Ямомадан Мусайлама исмли киши чиқиб, ўзини пайғамбар деб эълон қилди. Бу эса Мадинадаги янги мусулмон шаҳар-давлати учун жиддий хавф солар эди. Абу Бакр Сиддиқ томонидан унга қарши Холид ибн Валид бошчилигидаги мусулмонлар қўшини жўнатилди. Шиддатли жангда мусулмонлардан бир минг икки юз киши, шу жумладан етмишга яқин *мураттаб* (Қуръонни тўлиқ ва тартиб билан ёд олган) қори ҳалок бўлди. Бу хабар Мадинага етиб келганда, Умар ибн Хаттоб қаттиқ ташвишландилар ва Абу Бакр Сиддиққа: «Эй *амирал мўминийн* (мўминларнинг амири), бошқа жангларда ҳам кўп қорилар шаҳид бўлаверса, Қуръони карим йўқ бўлиб кетади, деб кўрқаман», – деб мурожаат қилиб, Қуръонни китоб ҳолида жамлашни таклиф этадилар. Абу Бакр Сиддиқ аввалига «Бу ишга Расулуллоҳ қўл урмаган эдилар», деб инкор қиладилар. Аммо кейинчалик бу ишнинг зарур ва хайрли эканини англаб етиб, Умар билан Зайд ибн Собитни чақиртирадилар. Уларга: «Масжиднинг эшиги олдида ўтиринглар, кимки Қуръондан икки киши гувоҳлигида бирор нарса олиб келса, уни ёзиб олинглар!» – деб буюрдилар. Умар (р.а.)нинг эълонларидан сўнг, одамлар ўз қўлларида бўлган, турли ашёларга ёзилган Қуръон оятлари ва сураларни олиб кела бошладилар. Агар икки гувоҳи бўлмаса, улар келтирган нарсалар қабул қилинмас эди.

Қуръонни мусхаф ҳолида жамлаш қорилар орасида энг нуфузлиси бўлган саҳоба – 23 ёшли йигит Зайд ибн Собитга топширилди. У мазкур вазифани ўзи учун катта шараф деб биларди. Бироқ бу иш унга улкан масъулиятни юклар эди. Зеро, бу ишга ҳатто Расулуллоҳ даврида ҳам қўл урилмаган эди. Кучли ҳаяжон олдида турган Зайд ибн Собитга Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб маънавий далда бердилар. Улар бу иш савоб ва зарур эканини тушунтириб ундаганларидан сўнггина Зайд ибн Собит унга рози бўлдилар.

Шундай қилиб, кориларнинг хотираларидаги ва турли ашёларга ёзилган тарқоқ ҳолдаги суралар ва оятларни халифа Абу Бакр Сиддиқ бир *мусхаф*га (муқовали китоб) жамладилар. Бу ишни бажаришда Умарнинг ташаббуслари ва Зайд ибн Собитнинг хизматлари бекиёс бўлди. Аммо бу мажмуада суралар ҳозирги кўринишда ёзилмаган эди. Ҳар бир сура алоҳида саҳифага ёзилиб, мустақил суралар ёзилган саҳифалар йиғиндиси ташкил этилган эди.

Абу Бакр Сиддиқ Қуръонни махсус тайёрланган варақларга ёздирдилар. Китоб мукаммал бўлгандан кейин, уни «**Мусхаф**» деб атадилар.

Абу Бакрнинг халифалик даврларида бу **Мусхаф** халифа ҳузурида турди. Умарнинг даврларида ҳам халифанинг қўлида бўлди. Умарнинг вафотларидан сўнг, ота васияти туфайли мерос буюмлари қаторида **Мусхаф** Умарнинг қизлари, Расулуллоҳнинг аёллари Ҳафсанинг қўлларида бўлди. Усмон халифалик мансабини эгаллаб, Қуръонни қайтадан жамлашга киришганларида Ҳафсадан Мусхафни сўраб олдилар ва Қуръонни тартиблаш ҳамда нусха кўпайтиришда ундан фойдаландилар. Кейин у нусха Ҳафсага қайтариб берилди.

Усмон ибн Аффон томонидан Қуръони каримни жамлашдаги энг аҳамиятли жиҳати унинг қироатини ягона шаклга келтириш бўлди. Бундан «Илк Қуръон оятлари ёзилган нусхалар орасида ҳар хиллик мавжуд бўлганми?» деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобан Қуръон илмларига оид «етти қироат» ҳақидаги маълумотни келтириб ўтиш жоиздир.

«Етти қироат» деганда Қуръоннинг етти хил лаҳжага хос қироат билан ўқиш назарда тутилади. Бунда оятдаги бир сўз ўрнига ўша маънони англатувчи бошқа сўз (синоним) қўйилган эди. Масалан, Ёсин сураси 29-оятидаги «қичқириқ» маъносидаги «сайҳатан» сўзи ўрнига бошқа қабила лаҳжасида ўша маънони билдирувчи «зайқатан» сўзи ишлатиларди. Шу тариқа оятлар Арабистон яриморотидаги Қурайш, Ҳузайл, Ҳавозин, Яман каби энг йирик бир неча қабилаларнинг лаҳжаларида нозил бўлгани ривоят қилинади. Бу турли қабила вакилларига Қуръон тиловати ва уни тушуниш осон бўлиши учун берилган енгиллик сифатида изоҳланади. Илк даврдаги Абу Бакр томонидан жам қилинган Қуръон тўплами шу етти қироатни ўз ичига олган эди. Аммо

ушбу «етти кироат» кейинчалик мусулмонлар орасида баъзи ихтилофларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Усмон ибн Аффон даврида ислом дини Арабистон яриморолидан ташкарига чиқиб, турли халқлар орасида тарқалди, мусулмонлар сони кўпайди. Ислом динини энди қабул қилган аҳоли ўз юртларига келган қори саҳобалардан Қуръон кироатини ўрганар эдилар. Мазкур саҳобалар эса ўз лаҳжаларига хос кироатни ўргатардилар. Икки хил кироат соҳиби бир жойда жам бўлиб қолса, ҳар бир томон ўзининг кироати тўғри ва афзал деб, даъво қилар, натижада тортишув юзага келарди.

Усмон ибн Аффон халифалигининг иккинчи йилида Шом ва Ироқ аҳллари ўртасида Қуръон тиловати борасида ихтилофлар кучайди. Бу ҳолатни кўриб, ундан хавотирга тушган саҳоба Ҳузайфа ибн Ямон Усмонга кишилар орасида Қуръон ўқиш борасида ихтилоф кучайиб кетаётгани айтиб чора кўришни сўрайдилар.

Худди шундай ихтилоф Усмон турган пойтахт шаҳар – Мадинанинг ўзида ҳам содир бўлди. Бир муаллим шогирдларига бир кироат бўйича таълим берса, иккинчиси бошқа кироатни ўргатар эди. Илм толиблари бир жойга тўпланганларида бир-бирлари билан шу хусусда тортишар эдилар. Муаллимлар ҳам бир-бирларининг кироатларини айблай бошлардилар. Ҳатто шогирдлар билан шогирдлар ва муаллимлар билан муаллимлар ўртасидаги низолар қон тўкиш даражасига бориб етди. Бундан Усмон ибн Аффон хабар топганда, «Ҳали менинг яқинимда туриб бир-бирларингизни ёлғончи қиласизлар ва Қуръон хусусида айблайсизлар, бошқа диёрлардаги аҳвол қандай кечади?», – деб, бундай ташвишли ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Қуръони каримни бир хил кироатда ёзиб жам қилиш ва барча учун шу кироатни жорий этиш топшириғини берди. Бу гал ҳам мазкур ишга масъуллик Мусҳафни жамлаш бўйича Абу Бакр Сиддиқ давридан тажрибага эга бўлган саҳоба – Зайд ибн Собитга юкланди.

Ҳафса бинт Умарда сақланаётган саҳифалардан Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос, Абдурахмон ибн Ҳорисларга битта мусҳаф

қилиб, нусха кўчиришга амр қилинди. Ягона кўчирилган мусхафга Қурайш лаҳжаси асос қилиб олинди.

Мазкур иш амалга оширилгач, Қуръондан ёзилган бошқа ҳар хил лаҳжалардаги саҳифаларни куйдиришга буюрдилар. Ягона мусхафдан бир неча нусха кўчирилди ва ҳар бир минтақага биттадан юбордилар. Ривоятларга кўра, Мусхаф тайёр бўлгач, Усмон ибн Аффон томонидан турли юртларга «Мен ўзимиздаги бошқа нусхаларни йўқотдим, сизлар ҳам жамланган ягона нусхага ҳилоф бўлган бошқа нусхаларни йўқ қилинглари», деган маънодаги хатлар йўлланди. Саҳобалар бу қарорни қабул қилдилар ва ягона Усмон Мусхафига ўтдилар. Бу Мусхаф нусхалари турли мусулмон диёрларида ҳурмат билан кутиб олинди ва ундан жуда кўплаб нусхалар кўчирилди.

Усмон ибн Аффон турли юртларга юборган Мусхафларнинг сони олтига бўлиб, улар Маккий, Шомий, Басрий, Куфий, Мадина аҳли учун умумий бўлган Маданий ва халифанинг ўзи учун хос бўлган Мадина Мусхафларидир.

Биринчи Мусхаф ҳижозий хатда ёзилди. Аввалда *анборий-ҳимёрий* деб аталган бу хат тури Ҳижозда тарқалгандан сўнг, *ҳижозий* деб атала бошланди. Ислом дини келган пайтда араблар орасида мана шу хат тури қўлланилар эди ва шу ёзув билан ваҳийни, Абу Бакр саҳифаларини, Усмон Мусхафларини ёздилар. Куфа ёзуви пайдо бўлгунча Мусхаф ва бошқа ҳужжатлар ана шу хатда ёзилар эди. Кейинчалик бир гуруҳ хаттотлар Куфа ёзуви билан нусхалар кўчира бошладилар. Бу ёзувда араб хатининг тажвиди, яъни талаффуз қоидаларини тўлиқроқ акс эттириш мумкин эди. Бора-бора Куфа аҳли ёзуви ўзининг шакли жиҳатидан ҳижозий хатдан қулай экани маълум бўлди ва *ҳижозий* хат ҳам *куфий* деб аталди. Ана шу вақтдан эътиборан Қуръон ва бошқа ёзув асарлари куфий хатда битила бошланди. Ёзиш ашёси сифатида тери билан бир қаторда матолар, хусусан, бўздан тўқилган Миср матоси, шунингдек, тахта, суяк, тош ва сополлардан фойдаланилар эди.

Қуръон илмларининг шаклланиши. Қуръони карим ўзида турли соҳага оид масалаларни мужассам қилган манба ҳисобланади. Унда ислом таълимоти, ибодат қоидалари, ҳуқуқшунослик, ижтимоий муносабатлар, одоб-ахлоқ нормалари, тарихий ривоятлар акс этган оятлар мавжуд. Аммо уларнинг

барчаси аралаш ҳолда келган. Жамиятда кейинчалик алоҳида соҳа сифатида шаклланган калом ва фикҳ илмлари Қуръон оятлари билан боғлиқ ҳолдагина мавжуд эди. Олимлар давр ўтиши ва жамиятдаги пайдо бўлаётган янги масала ва муаммолардан келиб чиқиб, мазкур йўналишларни алоҳида шакллантиришга зарурат сездилар. Натижада “Қуръон илмлари” деб аталган бир қатор илмлар юзага келди. Улар орасида калом ва фикҳ каби алоҳида илмлар билан бир қаторда Қуръон билан бевосита боғлиқ бўлган “Тафсир”, “Асбоб ан-нузул” (оятларнинг нозил бўлиш сабаблари), “Носих ва мансук” (бекор қилувчи ва бекор қилинган оятлар), “Қироат илми” сингари илмлар ҳам шаклланди. Қуръон араб тилида бўлгани учун араб тили грамматикаси, яъни “Сарф” (морфология), “Наҳв” (синтаксис), “Балоғат”, “Иштиқоқ” (сўз ўзагини аниқлаш) илмлари ҳам ривожланди. Мазкур илмлар Қуръон оятларини тўғри тушуниш, талқин этиш учун зарурий соҳалар ҳисобланади.

Таянч иборалар: “Қуръон” – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилинган муқаддас китобдир, “Тажвид” – Қуръонни тўғри талаффуз қилишни ўргатадиган фан, “Фикҳ” – ислом дини ҳуқуқшунослиги, “Калом” – ислом дини таълимотини ўргатадиган фан, “Жаброил” –Аллоҳ билан пайғамбарлар ўртасидаги элчи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қуръоншунослик фанининг бошқа соҳалар билан қандай боғлиқ жтхатлари бор?
2. Қуръони каримни уч босқичда жамланиши орасида қандай фарқ мавжуд?
3. Қуръон илмлари деганда қандай илмлар тушунилади?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.–Т.: Мовароуннаҳр, 1999.-122 б.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.
- 3.Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. "Мовароуннаҳр",1995.
4. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.

2-Мавзу. Қуръон оятларининг тафсири ва таъвили

РЕЖА:

1. Қуръонни таржима қилиш.
2. Қуръон тафсири.
3. Таъвилнинг тафсирдан фарқи.

1. Қуръонни таржима қилиш. Ислом уламолари илк даврда Қуръонни таржима қилишни ман этганлар. Бунинг сабаби улар Қуръон оятларини Аллоҳнинг инсониятга туширган мўъжизаси ва ундаги сўзларнинг жойлашуви ҳам ўз маносига эга деб ҳисоблаганларида эди. Бу фикрга кўра, таржима оятдаги сўзларнинг шаклан ва маънан ўзгаришига ва ўз навбатида Қуръоннинг мўъжизавий хусусиятининг йўқолишига олиб келарди. Бундай фикр Қуръондаги бир неча оятларда ҳам келган. Жумладан, Бақара сурасининг 23-оятида, Юнус сурасининг 38-оятларида инсонлар Қуръондаги каби бирор суруни ярата олмасликлари таъкидланади.

Кейинги давр уламолари Қуръонни муқаддас манба сифатида турли халқларга етказиш мақсадида дунё тилларига таржима қилишга уриндилар. Ушбу таржималар икки хил услубда амалга оширилган:

Биринчиси – сўзма-сўз таржима, яъни бир тилдан иккинчи тилга назм ва тартиб ҳамда асл маънони сақлаб қолишига аҳамият бериб таржима қилиш;

Иккинчиси – маънолар таржимаси, яъни Қуръон оятларини мазмунидан келиб чиқиб бошқа тилда баён қилиб беришдир. Бундай таржимада оятларнинг таржимаси тартибма-тартиб, сўзма-сўз бўлиши шарт қилинмайди.

2. Қуръон тафсири. “Тафсир” сўзи луғатда шарҳлаш, изоҳлаш, равшанлаштириш ва ҳар бир жумладан англашилган маънони очиб бериш маъноларида қўлланилади. Истилоҳда – Аллоҳнинг каломи – Қуръони карим устида изланишлар олиб боришдир.

Абу Ҳайён “тафсир” сўзига шундай таъриф берган: “Тафсир – Қуръон лафзларининг қандай талаффуз қилиниши (қироат илми), сўзларининг маънолари (луғат илми), ҳар бир сўз ва жумлаларининг марфалогик ва

синтактик (сарф, нахв, баён ва бадийъ илмлари) ҳолатларини ўрганадиган илмдир”.

Заркаший “тафсир” сўзига қуйидаги тарзда таъриф берган: “Тафсир – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилинган Қуръонни тушунишни, маъноларини баён қилишни ва Унда мавжуд ҳукмларни тадқиқ қилишни ўрганадиган илмдир”.

Бу илм Пайғамбар (с.а.в.) давридаёқ юзага келган. У одамларга Қуръони карим маъноларини баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари ҳақида сўраган саволларига жавоб берар эди. Саҳобаларга тафсир илми Пайғамбар (с.а.в.)дан мерос қолди. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб каби саҳобийлар тафсир илмида машҳур бўлганлар. Тобиъийлар тафсир илмини саҳобалардан ўрганганлар. Жумладан, Мужоҳид ибн Жабр ал-Маккий, Икрима, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Робоҳларни келтириш мумкин. Тафсир соҳасида биринчи китоб ёзган шахс Абдулмалик ибн Журайждир. Кейинчалик Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Нисобурий каби муфассирлар етишиб чиққанлар.

3. Таъвилнинг тафсирдан фарқи. Таъвил – луғатда аслга қайтишдир. Қуръони каримда таъвил сўзи бир неча маънода ишлатилган. Тафсир, таъйин, офият, оқибат, башоратни амалга ошиши, тушнинг маъноси, амалга оширилган ишнинг сабаби ва бошқалар шулар жумласидандир.

Олдинги уламолар “таъвил” билан “тафсир” сўзларини бир маънода қўллаганлар. Кейинги давр муфассирлари ушбу икки сўзни фарқлай бошлаганлар.

Таъвил сўзи истилоҳда – аниқ маънодан ноаниқ бир маънога ишора ва далиллар асосида қайтишдир.

Бир лафзни асл маъносини қўйиб узоқдаги маъносини олишга таъвил дейилади. Таъвил далил ва ишораларга таянилган ҳолда амалга оширилади. Далилларга асосланмаган таъвил муфассирлар томонидан қаттиқ танқид остига олинади

Тафсир билан таъвилнинг фарқи хусусида муфассир уламолар турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, Абу Убайда: “Олдинги уламолар тафсир ва таъвил сўзларини фарқламаганлар” – деб, таъкидлаган.

Имом ал-Мотуридийнинг таъкидлашича: Тафсир – Қуръони карим лафзларидан чиқарилган қатъий маънодир. Далилга асосланган тафсир нақлий тафсир, далилсиз амалга оширилган бўлса, раъй билан қилинган тафсир дейилади. Таъвил – бир лафздан англашилган икки маънонинг бирини ташлаб, иккинчисини далиллар асосида қабул қилинишидир.

Заркаший: “Қуръон ва суннатда келган очиқ ойдин оят ва ҳадисларга тафсир дейилса, уларнинг аксига “таъвил” дейилади” – деб, таъкидлайди.

Муфассир уламоларнинг баъзилари “тафсир” сўзларга, “таъвил” эса, маънов ва гапларга тегишли деб, таъкидлаганлар.

Таянч иборалар: “Муфассир” – Қуръони каримни шарҳловчи, “Суннат” – Пайғамбар (с.а.в.) томонидан айтилган сўз, қилинган иш ва тақрирларига айтилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қуръони карим ўзбек тилига илк маротаба ким томонидан таржима қилинган?
2. Қуръони каримни бошқа тилларга қачондан бошлаб таржима қилина бошланган?
3. “Таъвил” билан “тафсир”ни фарқи нимада?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.–Т.: Мовароуннаҳр, 1999.-122 б.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.
3. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. "Мовароуннаҳр",1995.
4. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
5. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.
6. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

3-Мавзу. Қуръони каримни тафсир қилиниши

РЕЖА:

- 1. Пайғамбар (с.а.в.) томонидан Қуръоннинг тафсир қилиниши**
- 2. Саҳобийларнинг тафсир қилиш усуллари**
- 3. Тобийлар замонидан Қуръони карим тафсири**

1. Пайғамбар (с.а.в.) томонидан Қуръоннинг тафсир қилиниши.

Қуръони карим жоҳилият даврида, айна сўз ўйинлари авжига чиққан бир вақтда нозил қилинган. Бу даврда сўзамоллик – суҳандонлик авж олган бўлиб, кўпчилик арабларни ўз оғзиларига қаратиш билан фахрланардилар. Аммо уларнинг сўзамоллиги мақтаниш, бошқаларни мадҳ этиш ёки ҳажв қилиш, турли ёлғон-яшиқ хабарлар тарқатиш, ҳасабу насаблари билан тафохур қилиш, баъзан эса илму ҳикматдан ҳам сўз очиб қўйишдан иборат эди. Бундай санъатни намойиш қилишда ҳақиқату мажоз, ошкоралигу киноя, ижозу итноб сингари балоғат усулларида фойдаланар эдилар.

Аллоҳ таоло аввал юборган пайғамбарлар сингари Муҳаммад (с.а.а)ни пайғамбар қилиб юборди. Унга ҳам бошқа пайғамбарларга берилганидек, турли мўъжизалар берилди. Улардан бири сифатида Қуръони карим кўрсатилади. Қуръони каримда ўша замон одатларига мувофиқ сўзамолликда ишлатиладиган балоғат ва фасоҳат усуллари инсонлар ожиз қоладиган кўринишда акс эттирилган.

Қуръоннинг маъноларини Пайғамбар (с.а.в.)га муфассал ва мукаммал тушунтириш кафолатини Аллоҳ таоло ўз зиммасига олган. Бу ҳақда Қуръони каримнинг бир неча оятларида таъкидлаб ўтилган. Пайғамбар (с.а.в.)га оятлар маънолари Аллоҳ томонидан уқтирилган ва пайғамбар ўз навбатида саҳобаларга ҳам оятлар маъноларини тафсир қилиб берганлар.

Қуръон араб тилида нозил қилингани учун Унинг зоҳирий маъноларини саҳобалар ҳам тушунганлар. Аммо ботиний маъноларини фақат араб тилини билиш билан англаш мумкин эмас. Уни тушуниш учун мунозара, баҳслар, ҳатто баъзи чигал нуқталарни тушунишда Пайғамбар (с.а.в.)га ҳам мурожаат қилганлар.

Умар (р.а.), Ибн Аббос (р.а.) каби саҳобийлар ҳам Қуръони каримда мавжуд баъзи сўзларни тушунмай муфассир саҳобаларга мурожаат қилганликлари кузатилган.

Макканинг Арафот водийсида "Моида" сурасининг 3-оятидан "Алявма акмалту лакум дийнакум ва атмамту алайкум неъматий ва розийту лакумул ислама дийнан" деган оят нозил қилинганда барча саҳобалар: "Динимиз мукаммал бўлди", – деб хурсандчилик қилишди. Аммо Умар (р.а.): "Бу хабар хурсандчиликка эмас, мусибатга, яъни, Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларига ишора", – деб йиғладилар. Ҳақиқатан ҳам ушбу воқеадан сўнг Пайғамбар (с.а.в.) 81 кун яшадилар. Юқорида зикр этилган воқеа-ҳодисалар саҳобаларнинг Қуръон оятларини турлича фикр қилганликлари ва ўз иқтидорларига мувофиқ тушунганликларини билдиради.

Демак, саҳобалар Аллоҳ таоло нозил қилган оятларни ўзларича тушунганлар, тушунмаган жойларини бошқа муфассир саҳобалардан сўраб билганлар ёки ўз эҳтиёжларига мувофиқ тушунтириб бериш учун Пайғамбар(с.а.в.)га мурожаат қилиб турганлар. Пайғамбар (с.а.в.) оятларнинг ҳикматларини, улардан англашиладиган тушунчаларни баён қилиб берганлар.

2. Саҳобаларнинг тафсир қилиш усуллари. Исломнинг дастлабки асрида саҳобалар Қуръоннинг тафсирида тўрт усулдан фойдаланганлар:

а) Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш

Қуръон оятларига назар ташланса, улар орасида қисқа ёки узун, мужмал ёки очик, мутлақ ёки муқайяд, умумий ёки хусусий маъноли оятлар учрайди. Бир хил мазмунли оят бир жойда қисқагина келса, бошқа бир жойда кенгрок, бир жойда мужмал маъноли келса, бошқа бир жойда муфассал келади. Масалан: Одам ва Иблис қиссаси, Мусо (а.с.) ва Фиръавн қиссаси ҳақидаги оятлар шулар жумласидандир. Шунинг учун Қуръон тафсирига киришмоқчи бўлган киши аввал ҳамма оятларни кўриб чиқиб, бир хил мазмунли оятларни жамлаб, бирини иккинчисига таққослайди ва шу йўл билан оят мазмунининг яққол очилишига олиб келади. Бу усулни Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш дейилади. Тафсирнинг бу усули бир неча кўринишда бўлади.

1. Маъноси мужмал оятнинг маъноси равшан оят билан шарҳлаш;

2. Мутлақ маъноли оятни муқайяд оят билан, умумий маъноли оятни хусусий маъноли оят билан тафсир қилиш;

3. Ташқи кўринишда бир-бирига зид маъноли оятлар ўртасини жам қилиш орқали тафсир қилиш;

4. Икки хил қироатни бир-бирига солиштириб тафсир қилиш.

б) Қуръонни ҳадис билан тафсир қилиш.

Саҳобалар Қуръони каримни тафсир қилишда бирор муаммога дуч келсалар, дарҳол Пайғамбар (с.а.в.)га мурожаат қилар эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) оятларнинг махфий, нозик жойларини тушунтириб берардилар.

Бу ҳақда Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: "Огоҳ бўлинглар! Менга Қуръон (илми) берилди ва яна унинг мислича (илм) берилди..."

Ҳадис тўпламларида Қуръони карим оятларининг тафсирига алоҳида боб ажратилган. Унда Пайғамбар (с.а.в.)дан нақл қилинган сура ва оятлар тафсирлари келтирилган.

в) Қуръонни ижтиҳод билан тафсир қилиш. Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги даврда саҳобалар бирор оятнинг тафсирини Қуръоннинг ўзидан топмасалар, Пайғамбардан сўраб билишга ҳам имконият топмаган бўлсалар, ўз раъйлари ва ижтиҳодлари билан тафсир қилар эдилар. Бу ишни улар беш нарсага таянган ҳолда амалга оширганлар:

- луғат илми ва унинг сир- асрорларини яхши билиш;
- арабларнинг урф-одатларини чуқур билиш;
- Макка ва Мадинада истиқомат қилган яҳудий ва насронийларнинг аҳволини яхши билиш.;

- оятларнинг нозил бўлиш сабабларини яхши билиш;

- фаҳм-фаросатнинг ўткир бўлиши.

Қуръон нозил бўлган вақтдаги яҳудийларнинг ва насронийларнинг аҳволини, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини яхши билиш ҳам оятларнинг маъноларини чуқур идрок этишга ёрдам беради.

г) Тафсирда "аҳли китоблар"дан фойдаланиш. Маълумки, Қуръони карим баъзи масалаларда, хусусан, пайғамбарлар қиссаларида ёки ўтмиш қавмлар

ҳақидаги хабарларда Таврот билан, Исо (а.с.) нинг туғилишлари ва пайғамбарлик мўъжизалари тўғрисида Инжил билан ҳамоҳангдир.

3. Тобиъийлар замонида Қуръони карим тафсири. Саҳобаларга шогирд бўлиб, улардан кўплаб илмий маълумотларни олган тобиъийларнинг даврида тафсирнинг иккинчи босқичи бошланди. Саҳобалар орасидан улуғ муфассирлар чиқиб, Қуръон маъноларини бошқалардан яхшироқ тушунишлари билан шуҳрат топганларидек, тобиъийлар орасидан ҳам Қуръонни яхши билишда машҳур бўлган олимлар етишиб чиқдилар. Бу олимларнинг Қуръон маъноларини тушунишда таянган манбалари, аввало, Қуръоннинг ўзи, иккинчи, Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари, учинчи, саҳобаларнинг ўзларидан келтирилган тафсир, тўртинчи, саҳобалар томонидан аҳли китоблардан олинган ривоятлар, бешинчи, ўзларининг ижтиҳодлари эди. Шунинг учун, тафсир китобларига назар солинса, тобиъийларнинг раъй ва ижтиҳодлари билан айtilган, Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳам, саҳобийлардан ҳам ривоят қилинмаган тафсирлар жуда кўп учрайди. Бироқ муфассирлар долзарб вазиятдан келиб чиқиб, омманинг манфаати йўлида ижтиҳод ва раъй билан тафсир қилишга мажбур бўлганлар.

Таянч иборалар: “Мўъжиза” – Пайғамбарлардан содир бўладиган ғайри оддий нарсага нисбатан айтилади, “Моида” – (араб. дастурхон деган маънони англатади) Қуръони каримда мавжуд бир суранинг исми.

Такрорлаш учун саволлар

1. Пайғамбар (с.а.в.) зомонасида қилинган тафсирларни ўзига хос хусусиятлари?
2. Саҳобалар томонидан амалга оширилган тафсирларнинг ўзига хос жиҳатлари?
3. Тобиъийлар Қуръони карим тафсирини қандай услубларда амалга оширганлар?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
2. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.
3. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.–Т.: Мовароуннаҳр, 1999.-122 б.

4. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.
5. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. "Мовароуннахр", 1995.
6. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
7. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.
8. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

4-Мавзу. Саҳобийлардан чиққан муфассирлар

1. Саҳобалардан чиққан муфассирлар

2. Муфассир саҳобалардан энг машҳурларининг таржимаи ҳоллари

а) Абдуллоҳ ибн Аббоснинг таржимаи ҳоли

б) Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг таржимаи ҳоли

в) Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг таржимаи ҳоли.

г) Убай ибн Каъб (р.а.)нинг таржимаи ҳоллари.

3. Саҳобалар тафсирларининг аломатлари.

1. Саҳобалардан чиққан муфассирлар. Саҳобаларнинг орасида Қуръонни тафсир қилиш билан шуҳрат топганлар озчиликни ташкил қилади. Имом ас-Суютий "ал-Итқон" номли китобида муфассир саҳобаларнинг номларини санаб ўтган. Аввалги ўнталикка тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али), Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо ал-Ашъарий ва Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) лар киритилган. Улардан кейин Анас ибн Молик, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Оиша (р.а.)лар қайд этилган. Аммо кейинги санаб ўтилган олти саҳобийлардан тафсир соҳасида жуда кам ривоят келтирилган. Аввалги ўнталикка кирган саҳобаларнинг баъзиларидан кўпроқ, бошқаларидан озроқ тафсир нақл қилинган бўлсада, улар халқ орасида Қуръонни яхши билиш ва яхши тафсир қилишлари билан шуҳрат топганлар. Абу Бакр, Умар ва Усмон(р.а.)лар халифалик ишлари билан кўпроқ банд бўлганлари, вафотлари ҳам нисбатан тез бўлганлиги, у даврда олим ва муфассир саҳобалар кўп бўлиб, мусулмонларнинг илмга бўлган эҳтиёжи улар билан қондириб турилганлиги сабабидан, халифалардан жуда кам тафсир нақл қилинган. Аммо Али ибн Абу Толибдан жуда кўп тафсир нақл қилинган. Бунинг сабаби эса, У зотнинг халифалик ишидан кўп вақт бўш бўлганлари, бошқа халифалардан умрлари узок бўлганлиги, турли миллат кишилари ҳам исломни қабул қилган бўлиб, бу даврда Қуръон тафсирига эҳтиёж катта бўлганлигидадир. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъблардан ҳам жуда кўп тафсир ривоят қилинган. Ўнталикдан қолганлари (Зайд ибн Собит, Абу Мусо ва Абдуллоҳ ибн Зубайр)нинг моҳир

муфассир эканликлари мусулмонларга маълум бўлсада, улардан кўп ривоят қолмаган.

2. Муфассир саҳобалардан энг машхурларининг таржимаи ҳоллари

а) Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг таржимаи ҳоли. Абдуллоҳ ибн Аббос тафсир соҳасида кўп хизмат қилган, машхур муфассир эдилар. У кишининг тўла номлари Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абди Маноф ал-Қураший ал-Ҳошимий бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.)га амакивачча бўладилар. Ибн Аббос туғилган вақтларида, Пайғамбар (с.а.в.)га олиб келинди. Пайғамбар (с.а.в.) чақалоқнинг танглайига ўзларининг муборак тупикларидан суртиб қўйдилар. Ибн Аббос жуда ёш бўлишларига қарамай, Пайғамбар (с.а.в.)га қариндошликлари ҳам бўлгани учун Пайғамбар (с.а.в.)дан ажралмас эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида Ибн Аббос ўн уч ёшда эдилар. Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин саҳобаларнинг улуғлари этагидан ушлаб, улардан тафсир ва ҳадис илмини чуқур ўргандилар. Ибн Аббос 68 ҳижрий йилда, 70 ёшла-рида Тоифда вафот этдилар ва шу ерга дафн қилиндилар. Ибн Аббоснинг жанозалари ва дафнларида иштирок қилган Муҳаммад ибн Ҳанафий: "Бугун бу умматнинг донишманди вафот этди" – деб, таъкидлаган.

Умар (р.а.) Ибн Аббоснинг сўзларига ёш бўлишларига қарамай суянар эдилар. У ҳақда: "Ибн Аббос Қуръони каримнинг қандай ажойиб таржимони!" – деб, айтганлар.

Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос (р.а.) шундай эслайдилар: “Умар (р.а.) мени ёш бўлишимга қарамай, Бадр жанги иштирокчилари билан бўладиган кенгашга киритдилар. Ёши улуғлар таажжубланиб: “Ўғлимиз, набирамиз билан тенг бўлган ёш болани бизнинг орамизга киритди”, – деб Умар (р.а.) дан ранжидилар. Шунда Умар (р.а.): “Бу бола ёш бўлса ҳам барчангиздан олимроқдир” – дедилар.

Ибн Аббос ўз тафсир ва таъвилларида зарурат бўлганда ахли китобларнинг ривоят ва наклиётларидан фойдаланардилар. Қуръон оятларида келган баъзи ноёб сўзларнинг маъносини очишда жоҳилият шоирларининг шеърларидан ҳам жуда кўп ўринда фойдаланганлар. Чунки, шеър халқ шевасини, урф-одатини, сўз қочириқларини ўзида мужассам этган ифода

усулидир. Шунинг учун Қуръон оятларининг тафсирида Ибн Аббос шеърларга кўп мурожаат қилганликлари бежиз эмас, қачон у кишидан бирор оятнинг тафсири сўралса, у киши ўша ондаёқ бирор шеърни хониш қилар эканлар. Ибн Аббоснинг тафсирни шеър ёрдамида баён қилиб бериш ҳоллари икки юз мартадан ортиқроқ ривоят қилинган.

Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ферузободий аш-Шофийий томонидан Ибн Аббос (р.а.)нинг тафсир соҳасида қолдирган катта мероси “Танвирул миқбос мин тафсири Ибн Аббос” номи асарда жамланган ҳолда Мисрда нашр қилинган.

б)Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг таржимаи ҳоли. Ибн Масъуднинг тўлиқ номлари Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Ғофил ибн Ҳабиб ибн Саммаҳ бўлиб, Абу Абдирроҳман ал-Ҳузалий куняларидир, насаблари Музарга етади. Оналари Умму Абд бинти Абдул Ҳузайл қабиласидан бўлиб, баъзида Абдуллоҳнинг номларини оналарига нисбатан Ибну Умми Абд ҳам дейилади. Ибн Масъуд (р.а.) озғин, бўйлари паст, буғдой рангли эдилар. Анча аввал исломни қабул қилган эдилар. Ўзларининг шоҳидлик беришларича, Ер юзида ҳали ҳеч ким мусулмон бўлмаганда, еттинчи бўлиб исломни қабул қилганлар. Қуръони каримни Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин Маккада биринчи бўлиб ошкора тиловат қилганлар ва шу сабабдан ҳам қурайшликлардан кўп азиятлар чекканлар.

Ибн Масъуд (р.а.) Умар ва Усмоннинг халифалик даврларида Куфада ҳазинабон бўлдилар. Умрларининг охирида Мадинага қайтиб келдилар ва шу ерда ўттиз иккинчи ҳижрий санада олтмиш ёшда вафот этдилар. У кишининг жасадлари Бақий қабристонида дафн этилган.

Ибн Масъуд (р.а.) саҳобалар орасида ҳофиз Қуръонларнинг энг улуғларидан бири эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) ҳам Ибн Масъуд қироатларини яхши кўрардилар. Ибн Масъуднинг ўзлари гувоҳлик беришларича, бир куни Пайғамбар (с.а.в.): “Эй Ибн Масъуд, менга Нисо сурасини қироат қилиб бер” – дедилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг расули, Қуръон сизга нозил бўлган бўлса, мен қироат қилиб берайинми?” дедим. Шунда Пайғамбар (с.а.в.): “Мен Қуръонни ўзимдан бошқа одамдан эшитишни яхши кўраман” дедилар.

Пайғамбар (с.а.в.): "Қуръони карим қандай нозил этилган бўлса, нами кетмаган ҳолда ўшандай оҳанг билан ўқишни ким ёқтирса, Ибн Умми Абд қироати билан ўқисин" дер эдилар.

Масруқ ибн ал-Аждаъ ал-Ҳамадоний (р.а.) деди: "Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларининг энг илмлилари олти киши эди. Улар Ҳазрат Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Абу Дардо ва Зайд ибн Собитлардир. Бу олти кишининг илмини Абдуллоҳ ибн Масъуд олган эди".

Ибн Масъуддан қилинган ривоят йўллари бир нечта бўлиб, уларнинг энг машҳурлари қуйидагилардир:

- Ал-Аъмаш-Абуззуҳо - Масруқ - Ибн Масъуд;
- Мужоҳид - Абу Муаммар - Ибн Масъуд;
- Ал-Аъмаш- Абу Воил- Ибн Масъуд;
- Ас-Садий ал-Кабир - Мурра ал-Ҳамадоний - Ибн Масъуд.

Имом ал-Бухорий ўзининг "ал-Жоме ас-саҳиҳ" тўпламида юқорида келтирилган тўрт санаддан аввалги учтасида Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоятлар келтирган. Ал-Ҳокимнинг "Мустадрак" асарида тўртинси санад билан Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоятлар келтирган.

в) Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг таржимаи ҳоли. Али (р.а.)нинг тўлиқ номлари Абул-Ҳасан Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб ал-Қураший ал-Ҳошимий бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвларидир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг зурриётлари Али ва Фотимадан тарқалган. Жуда ёш бўлишларига қарамай, исломни биринчилардан бўлиб қабул қилганлар.

Али (р.а.) илмда тенгсиз эдилар. Чунки, ёшликдан Пайғамбарнинг қўлларида тарбия олган, ҳар бир ваҳий, ҳар бир ҳадисга гувоҳ бўлган, бунинг устига Пайғамбар (с.а.в.) Яманга юбораётган вақтларида Унинг ҳақиқа:

"Ё Аллоҳ, Алининг тилини бурро, қалбини ҳидоятга бургин!" – деган дуоларга мушарраф бўлган эдилар. Алининг зехн-фаросатлари, қозиликдаги сезгирликлари араблар ўртасида, ҳатто "Бу ҳукми ечадиган Али қаерда?" – деган зарбул масалга айланган, эди. Ибн Аббос (р.а.) айтадилар: "Бизга Али ечган бирор масала тушиб қолса, унга ҳеч қачон бошқасини тенг қилмас эдик".

Ибн Аббос (р.а.) яна бир сўзларида: “Мен Қуръон тафсирида бошқа одамдан бирор нарса олган бўлсам, фақат Алидан олганман”, – деб эътироф қилганлар.

Али (р.а.) Қуръони каримнинг тафсирини билишда ҳам беназир эдилар. Ҳар бир оятнинг қаерда, қачон ва нима учун тушганини бошқалардан яхшироқ билардилар. Абу Наъим ривоят қилган ҳадисда Али (р.а.) шундай деганлар: “Аллоҳга қасамки, қайси оят бўлмасин, нима ҳақда, қаерда нозил бўлганини мен биламан. Раббим менга фикрловчи қалбни ва кўп сўровчи тилни бериб қўйган”.

Ибн Масъуд (р.а.): "Қуръони карим етти ҳарфда(етти маънода) нозил бўлган. Ҳар бир ҳарфнинг ботин(ички) ва зоҳир (ташқи) маънолари бор. Али ибн Абу Толиб зоҳирни ҳам, ботинни ҳам яхши билади" деганлар.

Али (р.а.) дан уч йўл билан ривоят нақл қилинган:

- Ҳишом – Муҳаммад ибн Сирин – Убайда Ас-Салмоний – Али (р.а.);
- Ибн Абул-Ҳусайн – Абут-Туфайл – Али (р.а.);
- Аз-Зухрий – Зайнул-обидин – Ал-Ҳусайн –Али (р.а.).

Бу уч йўлдан аввалги иккитаси олимлар тан олган машҳур саҳиҳ ривоят йўлидир. Лекин учунчи санад олимлар орасида машҳур бўлмаган саҳиҳ йўлдир

г) Убай ибн Каъб (р.а.)нинг таржимаи ҳоллари. Убай ибн Каъбнинг тўлиқ исмлари Абул Мунзир ёки Абут Туфайл Убай ибн Каъб ибн Қайс ибн Убайд ибн Зайд ибн Муовия ибн Амр ибн Молик ибн Нажжор ал-Ансорий ал-Хазражийдир. Убай ибн Каъб Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида ваҳий ёзувчи котиблардан бири бўлганлари учун, Аллоҳнинг каломини энг яхши билувчилардан саналадилар. Пайғамбар (с.а.в.)га биринчи бўлиб мактуб ёзиб, унда Пайғамбар (с.а.в.)ни Мадинага таклиф этганлар. Умар(р.а.) Убай ибн Каъб ҳақларида: "Убай мусулмонларнинг энг улуғи" – деб мақтаганлар. Убай ибн Каъб Умар(р.а.)нинг халифалик даврларида вафот этганлар.

Убай ибн Каъб (р.а.) саҳаболар орасидаги энг машҳур қори эдилар. Бу ҳақда Пайғамбар (с.а.в.): “Убай ибн Каъб қориларнинг энг яхшисидир” – деганлар.

Убай ибн Каъб (р.а.) қироатларининг гўзаллиги ва бехатолиги шундан ҳам маълумки, Пайғамбар (с.а.в.) ҳам у кишидан қироат ўтказганлар. Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қиладилар: "Пайғамбар (с.а.в.) Убай ибн Каъбга дедилар: “Аллоҳ таоло сенга "Баййина" сурасини ўқиб беришимни менга буюрди". Убай таажжубланиб: "Аллоҳ сизга менинг номимни айтдимми?" – деб сўрадилар. Пайғамбар (с.а.в.): “Ҳа!” –деганларида, Убай ибн Каъб йиғлаган эдилар”.

Убай ибн Каъб Қуръони каримни энг яхши билувчи саҳобалардан эдилар. Ўзлари яҳудийларнинг олимларидан бири эдилар. Қадимий китобларда мавжуд маълумотларни яхши билар эдилар. Бунинг устига ваҳий ёзувчи котиб бўлганлари сабабли, сура ва оятларнинг сабаби нузуллари, муқаддам ва муаххарлиги, носих ва мансухлиги, сура ва оятларнинг жойлашиши сингари муҳим маълумотларни ҳеч ким Убай ибн Каъбчалик билиши мумкин эмас эди.

Убай ибн Каъбдан икки йўл орқали бизгача ривоятлар етиб келган:

- Абу Жаъфар ар-Розий – Аррабиъ ибн Анас – Абул Олияҳ – Убай ибн Каъб;

- Вакиъ – Суфён – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Уқайл – Туфайл ибн Убай ибн Каъб – Убай ибн Каъб.

Ушбу икки йўл билан Ҳоким "Мустадрак", Имом Аҳмад "Муснад", Имом Термизий "Сунан" асарларида ривоятлар келтирганлар.

2. Саҳобалар тафсирларининг аломатлари. Саҳобалар тафсирини бошқа тафсирлардан ажратишнинг бир неча аломатлари мавжуд:

а) Қуръоннинг ҳаммаси эмас, маъносида биров махфийлик бўлган баъзи оятларгина тафсир қилинган бўлади. Қуръон маъноларидаги махфийлик одамлар Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаларнинг замонларидан узоқлашган сари кучайиб боради. Махфийлик кучайган сари тафсир қилиш ҳажми ҳам қўпайиб боради ва Қуръонни тўла тафсир қилишгача етади;

б) Саҳобалар тафсирида ихтилоф жуда кам бўлади. Саҳобалар ихчам шаклдаги тафсир билан кифояланадилар, оятлар маъноларини тўлиқ баён қилиб ўтирмайдилар.

в) Қуръон оятларидан фикҳ масалалари бўйича нодир ҳукмлар чиқарганлар, лекин бу ҳукмлар бирор мазҳабга боғланмаган, чунки, мазҳаблар саҳобаларнинг давридан анча кейин пайдо бўлган.

г) Саҳобалар даврида бирор тафсир девонга жамланмаган, балки девон иккинчи асрдан бошлаб тузилган. Баъзи саҳобийлар ўз тафсирларини мусхафларга ёзиб қўйганликлари келтирилади, лекин уларни баъзи кейинги олимлар: “Аллоҳ нозил қилган оятларнинг турли кўринишлари” – деб талқин этганлар.

Бу даврда тафсир ҳозирги кундаги шаклда бўлмаган, балки ҳадис таркибида бўлган.

Таянч иборалар: “ал-Жоме ас-саҳиҳ” – ҳадис тўпламларининг маълум бир турига айтилади, “Мустадрак” – ҳадис тўпламларининг маълум бир турига айтилади, “Сунан” – ҳадис тўпламларининг маълум бир турига айтилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Саҳобийлар Қуръони каримни қандай услубда тафсир қилганлар?
2. Саҳобийлар орасидан танилган машҳур муфассирлар кимлар ?
3. Саҳобийлар тафсирларининг бошқа тафсирлардан фарқли жиҳатлари нимада?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

1. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.—Т.: Мовароуннаҳр, 1999.-122 б.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.
3. Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. "Мовароуннаҳр", 1995.
4. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
5. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.
6. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
7. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.
8. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

5-Мавзу. Тобиъийлардан чиққан муфассирлар

1. Тобиъийлардан чиққан муфассирлар

2. Муфассир тобиъийлардан энг машхурларининг таржимаи ҳоллари

а) Саид ибн Жубайрнинг таржимаи ҳоли

б) Муҳаммад ибн Каъб ал-Қуразийнинг таржимаи ҳоли

в) Масруқнинг таржимаи ҳоли

3. Тобиъийлар тафсирининг аломатлари.

1. Тобиъийлардан чиққан муфассирлар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг

ҳаётлик давлари ва ҳулафои рошидинларнинг замонларида турли мамлакатлар фатҳ қилинди. Саҳобалар волийлар, амирлар, вазирлар, қозийлар ва муаллимлар сифатида дунёнинг турли бурчакларига йўл олдилар. Уларнинг барчалари ҳам ўзлари билан ҳадис, тафсир ва бошқа илмларни элтдилар. Уларнинг атрофларига тобиъийлар йиғилишиб, илм ўрганишиб, кейин ўзларидан кейингиларга етказдилар. Натижада, турли шаҳарларда илмий мактаблар юзага келди. Бу мактабларнинг устозлари саҳобалар, шогирдлари эса тобиъийлар эдилар. Илмий мактабларнинг баъзилари тафсир билан шуҳрат топди. Шундай қилиб, Макка тафсир мактаби, Мадина тафсир мактаби ва Ироқ тафсир мактаби вужудга келди. Ушбу уч тафсир мактаби бошқа шаҳарлардаги тафсир мактабларининг энг каттаси ва машхури эди.

Ибн Таймийя айтади: "Тафсир соҳасида одамларнинг энг билимдонлари Макка аҳли эди, чунки, улар Ибн Аббоснинг Мужоҳид, Ато ибн Абу Рабоҳ, Икрима – Ибн Аббоснинг мавлоси, Товус, Абу-ш-Шаъсо, Саид ибн Жубайр сингари саҳобаларидан иборат эдилар.

Ироқда Ибн Масъуднинг саҳобаларидан иборат аҳли Куфа ҳам маккаликлардан қолишмас эдилар.

Мадинада тафсир уламоларидан Зайд ибн Аслам мактаби бўлиб, у олимдан Имом Молик, Абдуллоҳ ибн Ваҳб сингари муфассирлар таълим олганлар.

2. Муфассир тобиъийлардан энг машхурларининг таржимаи ҳоллари

а) Саид ибн Жубайрнинг таржимаи ҳоли. Унинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад ёки Абу Абдуллоҳ Саид ибн Жубайр ибн Ҳишом ал-Асадий ал-

Волибийдир. Миллати ҳабаш эди. Саҳобий имомларнинг кўпидан тафсир эшитган, Ибн Аббосдан, Ибн Масъуддан ривоятлар қилар эди. Ўзи тафсир, ҳадис, фикҳ илмларида тобиъийларнинг мукаддамларидан бўлиб, кироатни Ибн Аббосдан юзма-юз олган, тафсирни ҳам Ибн Аббосдан эшитган эди. Саид ибн Жубайр саҳобалардан ҳамма кироатни ўрганган эди.

Саид ибн Жубайр тобиъийларининг ҳамма илмини ўзида жамлаган эди. Бу ҳақда Хасийф шундай дейди: “Тобиъийларнинг орасида талоқни Саид ибн Мусайяб, ҳажни Ато, ҳалол ва ҳаромни Товус, тафсирни Мужоҳид ибн Жабр энг яхши билади. Бу илмларнинг ҳаммасини жамлаган киши эса Саид ибн Жубайр эди”.

Ибн Аббос (р.а.).шогирдлари Ибн Жубайрнинг илмига ишонганлари учун, Куфадан бирортаси масала сўрашга келса, унга: “Ахир ораларингизда Саид ибн Жубайр борку!” – деб танбеҳ берар эканлар. Ана шундай муфассир, муҳаддис ва фақиҳ олим қирқ тўққиз ёшида ҳижрий сананинг тўқсон бешинчи йилида Ҳажжож золим томонидан ўлдирилган.

б) Муҳаммад ибн Каъб ал-Қуразийнинг таржимаи ҳоли. Унинг тўлиқ исми Абу Ҳамза ёки Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Каъб ибн Салим ибн Асад ал-Қуразий, ал-Маданий бўлиб, Авс қабиласи иттифоқчиларидан эди. У асосан Али (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.)лардан ривоят қилган. Убай ибн Каъб (р.а.)дан эса восита билан ривоят қилган. Ал-Қуразий ўта тақводор, адолатли, кўп ҳадис билувчи ва таъвилга уста киши эди. Унинг ишончли ровий эканлигига “олти саҳиҳ тўпламлар”ининг муаллифлари ҳам иттифоқ қилганлар.

Мадина ахлининг илму фикҳда энг улуғи бўлган. Бир куни масжидда одамларга панд-насихат қилиб турганда масжиднинг томи қулаб, ўтирган кишилар устига тушди ва жамоат билан бирга етмиш саккиз ёшли ал-Қуразий ҳам ҳалок бўлди. Бу фалокатнинг содир бўлиши ҳижрий сананинг бир юз ўн саккизинчи йилига тўғри келади.

в) Масрукнинг таржимаи ҳоли. Унинг тўлиқ исми Абу Оиша Масрук ибн ал-Аждаъ ибн Молик ибн Умайя ал-Ҳамадоний, ал-Куфийдир. Умар (р.а.) бир куни Масрукдан: “Исминг нима?” – деб сўради. У: “Масрук ибн ал-Аждаъ”

– деб, жавоб берди. Умар (р.а.) унга: “ал-Аждаъ” Шайтондир. Сенинг исминг бугундан бошлаб Масрук ибн Абдиррахмон бўлсин!” – дедилар.

Масрук тўрт халифадан, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқалардан ривоят қилган. Ибн Масъуд (р.а.) нинг шогирдлари орасида энг билимдони бўлиб, тақ-воси, чуқур илми ва адолати билан ажралиб туради. Масрукнинг бемисл истеъдод соҳиби эканлиги за-мондош уламолар томонидан эътироф этилган.

Масрукнинг ана шундай забардаст саҳобий олимларга, ва айниқса, Ибн Масъуд (р.а.)дек устозга шогирд бўлиши Аллоҳнинг каломи маъноларини чуқур билиш ва уни тафсир қилишда пешволик мартабасини топишига сабаб бўлди. Масрукнинг эътиқоди кучлилиги ҳақида Абу Исҳоқ шундай ривоят қилган: “Масрук ҳажга борганда ётиб ухлашдан воз кечган, ухласа ҳам саждага бош қўйиб ухларди. У ҳижрий сананинг олтмиш учинчи йилида вафот этган”.

3. Тобиъийлар тафсирининг аломатлари. Тобиъийларнинг тафсири бир неча аломатлар билан ажралиб туради:

1. Тобиъийлар тафсирига яҳудийлар ва насронийлардан қилинган жуда кўп ривоятлар кириб қолган. Бунинг сабаби аҳли китобларнинг кўпчилиги ислом динига кирганлигидир. Уларнинг зеҳнига шариат аҳкомларига алоқаси бўлмаган турли хабарлар, масалан: яралишнинг бошланиши, вужуднинг сирлари, коинотнинг яратилиши ва бошқа кўплаб қиссалар ўрнашиб қолган. Бу хабарларни Қуръони карим муфассал эмас, ижмолан баёнини ёки ишорасини қилиб ўтган. Қуръондаги бундай хабарлар, айниқса, яҳудийлар ва насронийлар ҳақидаги маълумотларни инсон нафси батафсилроқ билишга, тушунишга қизиқадй. Шунинг учун тобиъийлар аҳли китоблардан эшитган бундай "исроилиётлар"ни таҳрир ва танқид қилмасдан ўқувчига қизиқарли бўлсин, деб ўз тафсирларига қўшиб юборганлар. Исроилиётларнинг аксари аҳли китоблардан мусулмон бўлган Абдуллоҳ ибн Салбм, Каъбу-л-Ахбор, Ваҳб ибн Мунаббаҳ ва Абдул Малик ибн Абдул Азиз ибн Журайждан ривоят қилинган;

2. Бу даврдаги тафсир тобиъийларнинг саҳобалар билан учрашиб, улардан эшитиб, қилган ривоятлари асосида юзага келган. Бироқ, Пайғамбар (с.а.в.) замонларида саҳобалар ривоят қилганларидек, умумий маънода эмас,

балки ҳар бир тобиъий ўз устозидан эшитганигина ривоят қилган. Масалан: маккаликлар Ибн Аббосдан, мадиналиклар Убай ибн Каъбдан, ироқликлар эса Ибн Масъуддан ривоят қилиб, уларни бошқалардан устун қўйганлар;

3. Бу даврда ихтилофли мазҳабларнинг намояндалари тафсирлардан асосан ўз мазҳабларининг бошқалардан афзал эканлигини, ўз фикрларининг бошқалар фикридан устун эканлигини исботлашда фойдалана бошладилар. Натижада, тафсирлар мусулмонларга Қуръон маъноларини тушунтириб берувчи илмий манба бўлишдан кўра, аксар ҳолларда аҳли илмларнинг мунозара майдонига айланиб қолган эди. Масалан: тобиъий муфассирлардан Қатода ибн Диъома ўз тафсирида Аллоҳнинг қазо ва қадарини тушунтиришга қаттиқ киришгани учун, "қадарий" таълимотига мансуб деб тахмин қилинган. Натижада, унинг тафсири эътибордан қолган.

Ал-Ҳасан ал-Басрий ҳам ўз тафсирида қадарни исботлашга уриниб, унга унамаган кишини кофирга нисбат берган. Бунинг оқибатида Басрийнинг тафсиридан қилинган ривоят ҳам баъзи олимлар наздида қимматга эга эмас, деб саналади;

4. Тафсирда тобиъийларнинг ихтилофлари саҳобаларнинг ихтилофларидан кўттроқдир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг замонларида Қуръони карим тафсирида ихтилоф бутунлай бўлган эмас. Саҳобалар замонида бироз ихтилоф пайдо бўлди. Тобиъийлар даврида бу ихтилофлар кучайди. Аммо тобиъийлардан кейинги муфассирлар асрида, яъни ёзма тафсирлар кўпайган сайин муфассирлар ўртасидаги бундай ихтилофлар ҳаддан ошиб кетди.

Бу даврга келиб тафсир илми ҳадис таркибидан аста-секинлик билан ажралиб чиқа бошлаган. Бошқа бир томондан Қуръони каримни тушуниш ҳам саҳобийлар давридан қийинлашган. Айни шу вақтга келиб ҳар бир оятга шарҳлар ёзила бошланган.

Таянч иборалар: “Исроилиёт” – Қуръондан олдинги илоҳий манбаларда келган воқе ва ҳодисага айтилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тобиъийлар Қуръони каримни қандай услубда тафсир қилганлар?
2. Тобиъийлар орасидан танилган машҳур муфассирлар кимлар ?
3. Тобиъийлар тафсирларининг ўзига хос хусусиятлари?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

9. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.—Т.: Мовароуннахр, 1999.-122 б.

10.Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.

11.Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафнинг тарихи. Т. "Мовароуннахр",1995.

12.Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

13.Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.

14.Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.

15.Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.

16.Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

6-Мавзу. Тафсир мактаблари

1. Макка тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассирлар

2. Мадина тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассир тобиъийлар

3. Ироқ тафсир мактаби намоёндалари

1. Макка тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассирлар. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) ҳузурларида ташкил бўлди. Ибн Аббос (р.а.) тобиъий шогирдларига Аллоҳнинг Китобини тафсир қилиб, баъзи оятлардаги мушқил мафҳумни равшан-лаштириб берардилар. Шогирдлар Ибн Аббос (р.а.)дан ўрганган тафсирларни бошқаларга тушунтириб берардилар. Ибн Аббос (р.а.)нинг маккалик шогирдлари орасида Саид ибн Жубайр, Мужоҳид, Икрима – Ибн Аббоснинг мавлоси, Товус ибн Кайсон ал-Яманий ва Ато ибн Абу Рабоҳ энг машҳурлари эдилар.

Мужоҳид ибн Жабрнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абул Ҳажжож Мужоҳид ибн Жабр ал-Маккий ал-Мукриъ ал-Муфассир ал-Махзумий мавло ас-Соиб ибн Аби-с-Соиб бўлиб, ҳижрий сананинг йигирма биринчи йилида, Умар ибн Хаттобнинг халифалик давларида дунёга келди. У Маккада бир юз тўртинчи йилда саксон уч ёшида с вафот этди. Мужоҳид Ибн Аббоснинг шогирдлари орасида устозидан энг кам

тафсир ривоят қилган олим ҳисобланади, лекин энг ишончлироғидир. Имом Шофеъий ва имом Бухорий Мужоҳиддан жуда кўп тафсир ривоят қилганлар. Имом Бухорийнинг "Жомеъу ас-саҳиҳ" китобида Мужоҳиддан кўп ривоят қилинганлиги, бу ровийнинг нақадар ишончга эга эканлигини кўрсатади.

Ал-Фазл ибн Маймун Мужоҳиддан: "Мен Қуръонни Ибн Аббосдан ўттиз марта ўтказдим" – деб, таъкидлаган. Ибн Ҳиббон айтади: "Мужоҳид факих, тақволи, обид ва ихлосли киши бўлган".

Абу Бакр ал-Ҳанафий айтади: "Мен Суфён ас-Сав-рийдан эшитган эдим: "Агар сенга Мужоҳиддан тафсир келса, бошқасини зарурати йўқ".

Имом аз-Заҳабий "Мезон" да айтишича: "Ҳамма уламолар Мужоҳиднинг имомлигига ва унинг ривояти хужжат бўлишига иттифоқ қилганлар".

Лекин Мужоҳиднинг илм даражаси шунчалик юқори бўлишига қарамай, баъзи олимлар унинг тафсирини тан олмаганлар. Имом аз-Заҳабий "Мезон"да келтиришича, Абу Бакр ибн Иёш ал-Аъмашдан: "Нима учун муфассирлар Мужоҳиднинг тафсиридан қочадилар?" – деб сўради. Ал-Аъмаш унга: "Мужоҳид аҳли китоблардан ҳам сўраганлиги учун", – деб жавоб берди.

Шунга қарамасдан Мужоҳиднинг ишончли ва адолатли эканлигига ҳеч ким таъна етказмаган. У аҳли китоблардан маълумот сўраган бўлса ҳам, зарурини олган, нозарурини тарк этган. Чунки, у умматнинг фаҳри ва илмнинг денгизи бўлган. Ибн Аббос (р.а.) эса аҳли китобларнинг хабарларини синчковлик билан текширадиган, мункарини қаттиқ рад этадиган, Пайғамбар (с.а.в.)нинг аҳли китоблар ҳақида айтган сўзларини тасдиқ этадиган зотдирлар.

Мужоҳид ибн Жабр Қуръон оятларининг маъноларини тушунишда ақлга жуда катта эрк бериб юборган эди. Бунинг оқибатида мўътазила оқими тарафдорларининг эътиборини тортган ва улар Мужоҳиднинг ақлий тафсирларини эътироф қила бошлаган эдилар.

У ўзининг ақлига қанчалик эрк берган бўлмасин, олимлик қиймати ва даражасига путур етмаган.

Икриманинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Икрима ал-Барбарий ал-Маданий, Ибн Аббоснинг мавлоси, асли миллати барбар, Мағриб диёридан дир. Икрима

ҳожаси Ибн Аббос (р.а.), Али ибн Аби Толиб (р.а.), Абу Ҳурайра (р.а.) ва бошқа саҳобийлардан ривоят қилган. Иқриманинг ҳақиқа баъзи муфассирлар ва ровийлар таъна етказганлар, унинг ривоятларини ва тафсирларини ёлғонга чиқазганлар. Аммо Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Аҳмаддек муҳаддис ва муфассирлар Иқриманинг ривоятини тасдиқ этганлар. Демак, Иқриманинг шаънига айtilган барча таъналар ёлғондир.

Ибн Муъин айтадики: "Иқримага ўхшаб таънага қолган бошқа одам ҳам бормикин, ахир унга исломи учун тўхмат қилинган-ку!".

Яҳё ибн Айюб ал-Мисрий айтади: "Ибн Журайж мендан: "Иқриманинг ривоятларидан ёздингми?" – деб сўради. Мен: "Ўй!" – дедим. Ибн Журайж: "Ундай бўлса илмнинг учдан икки қисми зое бўлипти", – деди.

Иқрима илмда муқаддам, ривояти ишончли, фаҳми ўткир, бир сўз билан айтганда Ибн Аббоснинг илм вориси эди. Ҳижрий сананинг бир юз тўртинчи йилида вафот этган.

Товус ибн Кайсоннинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Абдирроҳман Товус ибн Кайсон ал-Яманий ал-Ҳумайрий ал-Жандий мавло Нажир ибн Райсондир. Товус Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган. Унинг ўз сўзига қараганда саҳобийларнинг элликтаасидан илм ўрганган. Товус эътиқодли олим, Аллоҳнинг каломи маъноларини яхши билувчи, саҳобийларнинг мажлис ва суҳбатларига тўймайдиган ҳарис эди. Саҳобийлардан билмаганини ўрганар, билганини уларга ривоят қилиб берар эди. Аммо аксар суҳбати Ибн Аббос (р.а.) билан бўлар, Ибн Аббос (р.а.)дан бошқалардан ўрганганига қараганда кўпроқ тафсир илмини ўрганар эди. Шунинг учун ҳам Товусни Ибн Аббос (р.а.)нинг шогирдларидан ҳисоблаб, Макка тафсир мактабининг улуғлари қаторида номи тилга олинди.

Ато ибн Абу Рабоҳнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Ато ибн Абу Рабоҳ ал-Маккий ал-Қураший бўлиб, ҳижрий сананинг йигирма еттинчи йилида туғилган, бир юз ўн тўртинчи йилда вафот этган. Ато Ибн Аббос (р.а.), Ибн Умар (р.а.), Ибн Амр

ибн Ос (р.а.) ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган. Атонинг фахрланиб айтишича, у икки юз саҳобанинг суҳбатини топган. Ровийлар ичида ишончли, фақиҳ, олим, кўп ҳадис билувчи эди. Макка аҳлининг муфтиси эди.

Ибн Аббос(р.а.) Макка аҳлига: "Менинг олдимга нима учун йиғиласизлар, ахир ичингизда Ато бор-ку!" – деганлар.

Абу Ҳанифа Ато ҳақида шундай деганлар: "Мен учрашган одамлар орасида Атодан афзалроғини кўрмадим ва Жобир ал-Жаъфийдан ёлғончироғини кўрмадим".

Абдулазиз ибн Рофиъ айтади: "Атодан бир масала сўралди. У "билмайман" деди. Бу масала юзасидан ўз фикрингизни билдиринг, дейилганда, Ато: "Мен ер юзида ўз раъйим билан диндорлик даъвосини қилишга Аллоҳдан ҳаё қиламан", – деб жавоб берди.

2. Мадина тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассир тобиъийлар. Мадинаи мунавварада жуда кўп саҳобалар истиқомат қилардилар. Улар ўзларининг яқинларига Аллоҳнинг каломи ва Пайғамбар(с.а.в.)нинг суннатларидан таълим берар эдилар. Натижада, машҳур саҳобалардан таълим оладиган тобиъийларнинг сони ҳам кўпайиб борди ва Мадинада алоҳида тафсир мактаби вужудга келди. Бу мактаб асосан Мадина аҳлининг энг улуғларидан ва тафсир илмининг билимдонларидан Убай ибн Каъб (р.а.)га қарашли эди. Убай ибн Каъбнинг шогирдлари беҳисоб эди. Уларнинг орасида тобиъийлардан чиққан уч шогирд тафсир бобида алоҳида эътиборга молик олимлар саналиб, улар – Зайд ибн Аслам, Абу-л-Олия ва Муҳаммад ибн ал-Қуразийлар эдилар.

Абу-л- Олиянинг таржимаи ҳоли.

Унинг тўлиқ номи Абу-л-Олия Рафиъ ибн Махрон ар-Риёҳийдир. Абу-л-Олия жоҳилият даврида яшаган, Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафотларидан икки йил кейин исломни қабул қилган. У тобиъийларнинг энг ишончли ва машҳур ровийси бўлиб, Али (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Ибн Умар (р.а.), Убай ибн Каъб (р.а.) ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган. Абу-л-Олиянинг ишончли ровий эканлигига "Олти саҳиҳ китоб"нинг муаллифлари ҳам иттифоқ қилганлар. Унинг ўзи: "Мен Қуръонни Умар (р.а.)нинг даврларида уч бор ўқиб

бердим”, – деб эътироф этган. У ҳақда Абу Довуд: "Саҳобалардан кейин қироатда Абу-л-Олиянинг олдида тушадигани йўқ эди", – деб таъриф-лайди. Абу-л-Олия ҳижрий сананинг тўқсонинчи йилида вафот этди.

Зайд ибн Асламнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Усома ёки Абу Абдуллоҳ Зайд ибн Аслам ал-Адавий ал-Маданий бўлиб Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг мавлоларидир.

Зайд ибн Аслам ҳақида, унинг Қуръонни раъй билан тафсир қилиши борасида баъзи олимларнинг таънаси бор. Лекин бу таъналар асоссиздир. Зайд ибн Асламдан Мадина ахлининг кўпчилиги, хусусан унинг ўғли Абдуррахмон ибн Зайд ва Мадина имоми Молик ибн Анас илм ўрганган. “Унинг вафот этган йили ҳижрий сананинг бир юз ўттиз олтинчи йилига тўғри келади”.

3. Ироқ тафсир мактаби намоёндалари

Ироқнинг Куфа шаҳрида бир неча саҳобалар исти-қомат қилиб, одамларга Қуръон ва Ҳадисдан таълим бераётган бўлсаларда, Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг ҳузурларига жам бўлиб, илм ўрганувчилар бе-ҳисоб эди. Чунки, Абдуллоҳ ибн Масъуд(р.а.)нинг ҳурмат ва шуҳратлари юқори эди.

Умар ибн Хаттоб (р.а.) Куфага Аммор ибн Ёсирни волий қилиб юборганларида, у киши билан бирга Абдуллоҳибн Масъуд (р.а.)ни муаллим ва вазир қилиб юборган эдилар. Халифа юборган муаллимдан Куфа ахли илм ўрганар ва бундан фахрланар эдилар.

Ироқ тафсир мактабининг Макка ва Мадина таф-сир мактабларидан ажралиб турадиган жиҳати шуки,

Қуръони каримни тафсир қилишда Ибн Масъуд (р.а.) Қуръон ва Ҳадисдан ташқари ижтиҳод ва раъй билан ҳам тафсир қилишга, хусусан, уламолар орасида ихтилофли бўлган масалаларни ижтиҳод ёрдамида ҳал қилиб беришга уринган эдилар. Шунинг учун уламолар: "Ибн Масъуд ихтилофли масалаларда ижтиҳод ва раъй билан ҳукм қилиш йўлига асос солган, кейинчалик бу йўл Ироқ уламолари ўртасида оммалашиб кетган", – дейдилар. Шубҳа йўқки, ихтилофли масалаларда ижтиҳод ва раъй билан ҳукм қилинадиган бундай йўл кейинчалик тафсирга ҳам ўз таъсирини ўтказди, натижада ижтиҳод ва раъй билан тафсир қилиш ҳам кучайиб кетди.

Ироқлик тобиъийлар орасидан ҳам жуда кўп машхур муфассирлар чиққанлар. Улардан Алқама ибн Қайс, Масрук, ал-Асвад ибн Язид, Мурра ал-Ҳамадоний, Омир аш-Шаъбий, ал-Ҳасан ал-Басрий, Қатода ибн Диъома ас-Судусийлар энг машхурлари саналадилар.

Алқама ибн Қайснинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Алқама ибн Қайс ибн Абдуллоҳ ибн Молик ан-Нахаъий, ал-Куфий бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётлик вақтларида туғилган. Алқама Умар (р.а.), Усмон (р.а.), Али (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.) ва бошқалардан ривоят қилган бўлса ҳам, асосан Ибн Масъуд (р.а.)нинг энг машхур ва энг билимдон шогирдларидан саналади. Алқама би-лан замондош бўлган барча олимлар унинг ҳақида яхши фикрлар билдирганлар.

Абдуррахмон ибн Язид айтади: "Абдуллоҳ шундай эътироф қиларди: "Мен нимани ўқисам ва нимани билсам, Алқама ҳам шуни ўқийди ва билади".

Алқама "олти саҳиҳ" муаллифлари ҳузурида тан олинган ровийдир.

Абу Наъимнинг айтишича, Алқама ҳижрий сананинг олтмиш биринчи йилида тўқсон ёшида вафот этган.

Ал-Асвад ибн Язиднинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Абдуррахмон Ал-Асвад ибн Язид ибн Қайс ан-Нахаъий бўлиб, тобиъийларнинг улуғларидан ва Ибн Масъуд (р.а.)нинг ровийларидан саналади. Ал-Асвад Абу Бакр ас-Сиддик (р.а.), Умар (р.а.), Али (р.а.), Ҳузайфа(р.а) ва бошқалардан ҳам ривоят қилган. У ҳақда имом Аҳмад, Яҳё ибн Муъин, Ибн Саъд сингари уламолар яхши фикр айтганлар, "Олти саҳиҳ" муаллифлари ҳузурида ҳам эътироф этилган ровийдир.

Иброҳим Ан-Нахаъийнинг таъкидлашича, Ибн Масъуд (р.а.)нинг фатвоси қабул қилинадиган шогирдларидан бири саналган.

Ал-Асвад ибн Язид ҳижрий сананинг етмиш тўртинчи ёки етмиш бешинчи йилида Куфа шаҳрида вафот этган.

Мурра Ал-Ҳамадонийнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Исмоил Мурра ибн Шароҳил ал-Ҳамадоний ал-Куфий ал-Обид бўлиб, халқ орасида серибодатлиги, тақвосининг кучлилиги туфайли "Мурра ат-тоййиб" (ёқимли аччиқ), "Мурра ал-хойр" (яхши аччиқ) деб

машхур бўлган. Ҳорис ал-Ғанавийнинг таърифлашича, Мурра саждада шу қадар узоқ ётар эканки, унинг юзи шилиниб кетар экан. Бир кунда етти юз ракат намоз ўқир экан. Устозлари Абу Бакр ас-Сиддик (р.а.), Умар (р.а.), Али (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.) ва бошқалар эдилар. Имом аш-Шаъбий эса Муррадан илм ўрганган шогирдлардан биридир. Мурра ҳижрий сананинг етмиш олтинчи йилида вафот этган.

Омир аш-Шаъбийнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Амр Омир ибн Шароҳил аш-Шаъбий ал-Ҳумайрий ал-Куфий ат-Тобиъий бўлиб, Куфа шаҳрининг қозиси эди. Умар (р.а.), Али (р.а.), Ибн Масъуд (р.а.)ларнинг ўзларидан эшитмаган ҳолда улардан ҳадис ривоят қилган, Абу Ҳурайра (р.а.), Оиша (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.) ва бошқалардан эшитиб ривоят қилган. Аш-Шаъбийнинг эътироф этишича, беш юз саҳобани кўрган, аммо уларнинг қирқ саккизтасидан ривоят қилган. Аш-Шаъбий илмда юксак даража соҳиби бўлган. Ибн Сирин айтади: "Мен Куфага келганимда саҳобалар кўп бўлишига қарамай, Шаъбийнинг алоҳида ҳалқаси бўлиб, уларга дарс айтар эди".

Жуда кўп замондош олимларнинг тасдиқлашича, аш-Шаъбий турли илмларни аъло даражада эгаллаган бўлишига қарамай, тафсирда раъй билан маъно айтишга бутунлай қарши экан. Ўзининг эътирофича, у шундай деган: "Уч нарса, яъни Қуръон, руҳ ва раъй ҳақида мен ўлгунимча ҳам ҳеч нарса демайман".

Омир аш-Шаъбийнинг туғилиши ва вафоти ҳақида турли ихтилофлар мавжуд бўлиб, машхурроғи шуки, у ҳижрий сананинг йигирманчи йилида туғилган, бир юз тўққизинчи йилида вафот этган.

Ал-Ҳасан ал-Басрийнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Саид Ал-Ҳасан ибн Абил-Ҳасан Ясор ал-Басрий бўлиб, Умар (р.а.) халифалигининг охирги икки йили қолганда туғилган. Али (р.а.), Ибн Умар(р.а.), Анас (р.а.) ва бошқа кўпгина саҳобалар ҳамда тобиъийлардан ривоятлар қилган. Бир неча аҳли илмлар Ал-Ҳасан ал-Басрийнинг Қуръони карим, Пайғамбар суннатлари ва ҳалол-ҳаром масалаларни яхши билишига гувоҳлик берганлар.

Анас ибн Молик (р.а.) айтадилар: "Ал-Ҳасандан масала сўранглар, чунки, бизлар эсдан чиқараётган пайтимизда у ёдлаган".

Бакру-л-Музний айтади: "Кимки, замонасининг биз билган энг улуг олимини кўриш хурсанд этадиган бўлса, Ал-Ҳасан Ал-Басрийга қарасин. Биз ундан кўра олимроқни топганимиз йўқ".

Абу Жаъфар ал-Боқир айтар эди: "Бу одам (Ал-Ҳасан)нинг гаплари пайғамбарларнинг гапларига ўхшайди".

Ривоят қилган ҳадислари "Олти саҳиҳ" муаллифлари орасида ҳам мўътабардир. Ал-Ҳасан ал-Басрий ҳижрий сананинг бир юз ўнинчи йилида сдксон саккиз ёшида вафот этган.

Қатоданинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу-л-Хаттоб Қатода ибн Диома ас-Садусий ал-Акмах, асли араб миллатидан бўлиб, Басрада яшаган, Анас ибн Молик (р.а.), Абит-Ту-файл, Ибн Сирин, Икрима, Ато ибн Рабоҳ ва бошқалардан ривоят қилган. Қатоданинг ёдлаш қобилияти ўткир, араб шеърлари билан яқиндан таниш, араб тарихини, араб насабларини, араб тилини ҳам яхши билгани учун тафсир илмида шуҳрат қозонган эди. Унинг муҳофазасининг нақадар ўткирлиги қуйидаги ривоят қилинган ҳадисдан кўриниб туради:

Саллом ибн Мискиннинг ривоят қилишича, Амр ибн Абдуллоҳ айтади: "Қатода Саъид ибн ал-Мусайябнинг олдига келиб, бир неча кун давомида ундан бир неча савол сўради. Саид ибн ал-Мусайяб унга: "Сен мендан сўраган ҳамма саволларингни ёдингда сақлаяпсанми?"— деди. Қдтода "Ха" ишорасини қидди ва бирма-бир такрорлаб: "Мен мана бу саволни бердим, сиз бундай жавоб бердингиз. Бу ҳақда Ал-Ҳасан мана бундай ҳадисни айтган эди" – деб, ҳамма айтилган ҳадисларни такрорлади. Шунда Саид: "Сенга ўхшаганни Аллоҳ бошқа яратмаган бўлса керак", – деди. Яна бир ривоятда Саид ибн ал-Мусайяб: "Менга келган ироқликлар орасида Қатодага ўхшагани йўқ", – деб баҳо берган эди.

Қатода ҳижрий сананинг бир юз ўн еттинчи йилида эллик олти ёшда вафот этган.

Юқорида номлари санаб ўтилган олимлар тобиъийлардан чиққан муфассирлар бўлиб, улар асосан саҳобийлардан, баъзи жойларда аҳли китоблардан ривоятлар асосида, баъзан эса ўзларининг ижтиҳодларига таянган ҳолда тафсир қилган зотлар эдилар.

Улардан кейинги замонларда эса тафсир илмини табаъа тобиъин, яъни тобиъийлардан илм ўрганган олимлар жамоаси давом эттирганлар. Улар Қуръон оятлари маъноларини келажак авлодга янада кенгрок, мукаммалрок тафсир қилиб берганлар. Шу тариқа Қуръон оятлари тафсири бугунги кун даражасига етиб келган. Аммо Қуръон тафсирлари қанча кўп бўлишига, турли тилларга таржима қилинганига қарамай, унинг маъноларини тушунишда янада янги таржима ва тафсирларга эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, Қуръон маъноларини ўз фойда ва хоҳишларига буриб юбориш ҳоллари, оят ҳукмларининг ҳикматидан беҳабар бўлган ҳолда, луғатини яхши билмаган ҳолда қатъий ҳукм чиқариш ҳоллари юз бермоқда. Қуръон илмидан узоқ бўлган омма халқ эса, ундай ғаламисларнинг фасод мақсадидан беҳабар бўлгани учун, уларнинг ўзини катта олим, ифволарини эса даъват, деб ҳисоблаб, ҳидоят йўлидан адашмоқдалар. Динга раҳна солувчи бундай ғаламислар ҳақида Пайғамбар (с.а.в.): "Кимки Қуръонни ўз фикрига асосланиб тафсир қилса, у борадиган жойини дўзахдан тайёрлаб қўйибди" деганлар.

Таянч иборалар: “Мавло” – икки хил маънода қўлланилади. Биринчиси, қул озод қилувчи шахсга нисбатан, иккинчиси, озод қилинган шахсга нисбатан,

Такрорлаш учун саволлар

1. Макка тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассирларнинг тафсир соҳасига қўшган ҳиссаси?
2. Мадина тафсир мактабининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Ироқ тафсир мактабидан етишиб чиққан муфассирлар?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

- 17.Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.—Т.: Мовароуннахр, 1999.-122 б.
- 18.Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.

19.Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафнинг тарихи. Т. "Мовароуннахр",1995.

20.Ал-Бухорий, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

21.Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.

22.Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.

23.Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.

24.Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

7-Мавзу. Ривоятлар асосида ёзилган

тафсирилар

1. Тафсири маъсур

2. Тафсири маъсурнинг заиф саналиш сабаблари

3. Муфассирлар томонидан турли асрларда ёзилган тафсири маъсурлар

1. Тафсири маъсур. Тафсири маъсур деганда, бирор оятнинг маъносини бошқа оят ёки Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари билан, саҳобий ёки тобиъийдан нақл қилинган сўз билан баён этишни тушунилади. Бу ерда "тобиъий" сўзини – агар уламолар ўртасида тобиъийнинг фикри раъй дейилиши ёки маъсур дейилиши ихтилофли бўлса ҳам — қўшиб қўйилди, чунки, Ибн Жарир сингари баъзи муфассирлар тафсири маъсурда Пайғамбар (с.а.в.)дан ва саҳобалардан қилинган ривоятлар билангина кифояланмасдан, балки тобиъийлардан қилинган ривоятларни ҳам келтирганлар.

Тафсири маъсурнинг вужудга келиш даври икки босқичдан иборатдир. Биринчиси ривоят даври бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) ўз саҳобаларига Қуръони каримнинг баъзи оятлари маъносидаги махфийликни очиб берганлар. Уни саҳобалар зехнларида сақлаб, оғизма-оғиз бир-бирларига, кейинчалик тобиъийларга етказганлар.

Ўз навбатида Қуръони каримнинг баъзи оятлари маъносини саҳобалар ҳам Пайғамбар(с.а.в.)дан эшитганларига қўшимча эҳтиёжга мувофиқ ижтиҳод қилиб тафсир қилганлар.

Тобиъийлар ҳам ўз даврларида оятлардаги баъзи махфийликни Пайғамбар (с.а.в.)дан ва саҳобалардан қилинган ривоятлар устига ўзлари ҳам ижтиҳод ва раъй билан халққа тушунтирганлар.

Тафсирдаги шундай ўзгариш ва кенгайиш табаъа тобиъийлар (тобиъийлардан кейинги авлод)нинг дав-рида ҳам давом этди.

Иккинчиси тадвин давридир. Бу даврда биринчи бўлиб тафсири маъсур (ривоятлар асосидаги тафсир) ёзилди. Лекин бу даврда ёзилган тафсир алоҳида китоб бўлмасдан, балки ривоят қилинган ҳадислар китобининг бир боби сифатида ёзилган эди. Қуръон тафсирини бир боб сифатида бўлса ҳам биринчи ёзган киши Мадина имоми ал-Имом Молик ибн Анас ал-Асбаҳий эдилар.

Кейинчалик Ҳадисдан Тафсир ажратилди ва ало-ҳида китоб сифатида ёзилди. Қуръони карим тафсирини алоҳида китоб шаклида биринчи бўлиб ёзган киши Али ибн Абу Талҳа бўлиб, уни Ибн Аббос (р.а.)дан қилинган ривоят асосида ёзди.

Кейин Қуръоннинг бир жузъига тафсир ёзилди, унинг муаллифи Абу Равқ, ундан кейин эса уч жузъига Ибн Журайждан қилинган ривоят асосида Муҳаммад ибн Савр тафсир ёзди.

Ибн Жарирнинг ёзган тафсири эса тафсири маъсурнинг энг мукаммали бўлди. Вақт ўтиши билан тафсири маъсурда ҳам иснодсиз ривоятлар қилиш бошланиб кетди ва 4-фаслда баён қилганимиздек, саҳиҳ ривоят билан носаҳиҳини ажратиб бўлмай қолди, ҳатто бу нарса ёлғон ривоятларнинг кўпайишига ҳам сабаб бўлди.

Юқорида айтилганлардан маълумки, тафсири маъсур Қуръон оятини Қуръон ояти, Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатлари, саҳоба ёки тобиъийларнинг ривоятлари билан тафсир қилишдан иборатдир. Шундай экан, Қуръонни Қуръон ёки Ҳадис билан қилинган тафсири шубҳасиз қабул қилинади.

Агар Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат берилган ривоятларнинг исноди ёки матни заиф бўлса, уни қабул қилинмайди, яъни мардуддир.

Аммо саҳобалар ва тобиъийлардан ривоят қилинган ҳадислар билан тафсир қилинган бўлса, уларга ҳалал аралашган бўлади ва заиф саналади. Чунки, тафсир китобларида саҳобийлар номидан ривоят қилинган кўплаб

ҳадислар борки, улар саҳиҳ эмасдир. Айникса, Ибн Аббос (р.а.) ва Али (р.а.) номларидан жуда кўп ёлғон ҳадислар ривоят қилинган. Шунинг учун Имом Шофеъий (р.а.): "Ибн Аббосдан тафсир ҳақида юзтача ҳадис ривоят қилинган холос", – деганлар. Демак, Ибн Аббос (р.а.) номларига нисбат берилиб, каззоблар томонидан жуда кўп ҳадислар тўқилган.

2. Тафсири маъсурнинг заиф саналиш сабаблари. Тафсири маъсур уламолар томонидан таъкидланишича, унга сабабга кўра заиф саналади:

а) Тафсир маъсурда мавзуъ (ривоятга асосланмаган, тўқилган) гапларнинг пайдо бўлиши;

Тафсирда мавзуъ гапларнинг пайдо бўлиши, уларнинг Ҳадисда пайдо бўлиши билан бир вақтда бошланди. Чунки, тафсир билан ҳадис бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан мустақил бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, Ҳадисда саҳиҳ, ҳасан, заиф, ровийлари орасида ишончли, шубҳали, ёлғончилари бўлганидек, Тафсирда ҳам, муфассирлар орасида ҳам шундайлари бор.

Мавзуъ ҳадис ва тафсирларнинг пайдо бўлиши ҳижратнинг қирқ биринчи йилидан бошланди. Бу даврга келиб мусулмонлар сиёсий жиҳатдан бир неча фирқа (жумҳур, шиа ва хавориж) га бўлиниб кетган эдилар. Бунинг устига қалби куфр билан тўла, аммо зоҳирда ўзини мусулмон ва динпарвар қилиб кўрсатувчи кимсалар кўпайиб кетган бўлиб, бундай тафриқа замони уларнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишга, динда бузғунчиликни кучайтиришга, дин аҳдларини йўлдан оздиришга қулай имконият яратиб берди. Натижада кўплаб ботил ривоятлар тўқилди, бу ривоятларни Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳоба (р.а.)ларга нисбат берилди. Масалан: Шиалар ўз мазҳабларининг афзал эканлигини тушунтириш ва Али (р.а.)га нисбатан кишилар қалбида муҳаббат пайдо қилиш, хаорижийлар эса "аҳли сунна ва-л-жамоа"ни айблаш мақсадида Қуръондан бирор оятни далил кел-тиришга зўр бериб уринишар, бунинг учун эса ривоятлар тўқишиб, бу ривоятларнинг нисбатини ишонч-ли бўлсин учун Пайғамбар (с.а.в.)га ёки бирор саҳобийга боғлаб айтишар, мақсадлари эса бидъат ва хурофот тарқатишдан бошқа нарса эмас эди. Айниқ-са, мавзуъ ривоятларнинг жуда кўпи Али (р.а.) ва Ибн Аббос (р.а.) ларга нисбат берилган

эди. Бу икки улуғ саҳоба Пайғамбар (с.а.в.)нинг аҳли байтларидан бўлганлари учун мусулмонлар ҳеч шубҳа қилмасдан ишонардилар.

б) Исроилиётларнинг кириб қолганлиги;

"Исроилиёт" сўзи, яҳудийлардан ривоят қилинган маълумотларни билдирса ҳам, биз бу ерда умумийроқ маънода, яъни яҳудий ва насронийлардан ривоят қилинган асарларни назарда тутамиз. Чунки, исломнинг аввалида яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам мусулмонлар билан доим бирга аралашиб яшаганлар, дунёнинг турли чеккаларидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Мадинага келиб исломни қабул қилганлар. Ҳар икки дин аҳдларининг ҳам алоҳида диний маданиятлари мавжуд эди. Бунинг устига Таврот ва Инжилнинг кўп ҳукмлари Қуръон ҳукмларига мос келарди. Масалан: Тавротдаги қасос ҳукми Қуръондаги қасос ҳукмининг айна ўзи эди. Тавротдаги қадимги пайғамбарларнинг тарихи Қуръондаги пайғамбарлар тарихига монанд эди.

Яҳудийлар кўлида Тавротдан ташқари Мусо (а.с.)нинг суннатлари, умматларига қилган насиҳатлари, Мусодан бўлмаган, балки бошқа яҳудий олимларининг шарҳлари, донишмандларнинг мақоллари ҳам мавжуд эдики, бу асотирлар вақт ўтиши билан муқаддаслаштирилиб, Таврот саҳифалари орасига қўшиб юборилган эди.

Насронийларнинг Исо (а.с.)га нозил қилинган Инжили ҳам мустақил муқаддас бир китоб бўлиб, (насроний динининг ҳам алоҳида маданияти мавжуд бўлсада), кейинчалик ўз Инжилларини "янги аҳд" деб атаб, ўзидан олдинги муқаддас Таврот ва Забурни "қадимий аҳд" номи билан Инжилга қўшиб олдилар. Яҳудийлар дини ва насронийлар дини аралашиб кетди. Яҳудий ва насроний олимлардан баъзилари Исломни қабул қилганларидан кейин мусулмон олимлари ўз мусулмон биродарларидан эшитган аралаш ривоятларни (исроилиётларни) ҳам қабул қила бошладилар. Бу нарса албатта Қуръон тафсирида ҳам ўз таъсирини намоён қилмасдан иложи йўқ эди. Негаки, аввалги муқаддас китобларда ёзилган аҳкомлар, қиссалар Қуръонда ҳам мавжуд бўлиб, фақат қисқача баён этилган, баъзи тарихий воқеалар айтилиб, воқеа содир бўлган шаҳарлар номи зикр этилмаган эди. Буларнинг

муфассал баёнини эса исломни қабул қилган яҳудий ёки насронийлар бажону дил сўзлаб берар эдилар.

Маълумки, Қуръони карим тафсирига исроилиётларнинг кириб келиши саҳобалар давридан бошланган эди. Бунинг биринчи сабаби юқорида айтиб ўтилганидек, Қуръоннинг жуда кўп оятларидаги қиссаларнинг Таврот ва Инжилда келтирилган қиссаларга мувофиқлиги бўлса, иккинчи сабаби Қуръоннинг мўъжазлиги, Таврот ва Инжилнинг айна хабарга муфассаллиги эди. Учинчи сабаби эса саҳобалар замонида тафсир учун асосий масдарлардан бири аҳли китоблар эди. Муфассир саҳоба Қуръони каримдаги бирор қиссага келганда, бу қиссани батафсилроқ тушунтиришга майл қиларди ва исломни янги қабул қилиб, мусулмонлар билан бирга яшаётган яҳудий ёки насронийдан эшитишга мажбур бўларди. Чунки, саҳобанинг Қуръон оятидаги қиссалар ҳақидаги саволига яҳудий ёки насронийдан бошқа одам жавоб бера олмас эди.

Саҳобалар ҳам улардан ҳар қандай нарсани сўрайвермас эдилар, балки Қуръондаги баъзи қиссаларнинг мўъжаз жойларини тавзиҳлаш учун сўрардилар, аммо Пайғамбар (с.а.в.)нинг ушбу муборак сўзлари: "Аҳли китобларни тасдиқ ҳам қилманглар, ёлғонга ҳам нисбат берманглар! Биз: "Аллоҳга ва у Зот томо-нидан бизга юборилган китобларнинг ҳаммасига имон келтирдик", – денглар!"га амал қилган ҳолда уларнинг ҳеч қачон Пайғамбар (с.а.в.)дан ворид бўлган ҳадисларга тенг кўрган эмаслар ва аҳли китоблардан (Асҳоби Каҳф итининг ранги, Мусо (а.с.) қавмлари ўликни молнинг қайси аъзоси билан урганлиги, Нух (а.с.) кемаларининг ҳажми, қайси дарахт ёғочидан ясалгани, Хизир (а.с.) ўлдирган боланинг исми ва ҳоказо сингари) моло, яъни (беҳуда) ҳисобланган саволларни ҳам сўрамаганлар. Ад-Дехлавий айтади: "Саҳобалар бундай беҳуда саволлар беришни "вақтни зое қилиш" деб билганлар ва ўзларига ор санаганлар".

Саҳобалар аҳли китоблардан эшитган шариатга ёки ақидага ҳилоф бўлган жавобларни тасдиқ этмаганлар, балки аҳли китобларнинг шундай жавобларини хато эканлигини кўрсатиб, уларга тўғри жавобни тушунтирганлар.

Саҳобалар аҳли китоблардан савол сўраш ва уларнинг жавобларини тасдиқлашда Пайғамбар (с.а.в.) белгилаб берган чегарадан чиқмаганлар.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг: "Мендан бир оят бўлса ҳам бошқаларга етказинглар! Бану Исроилдан эшитганларингизни ҳам гапираверинглар, ҳеч зарари йўқ. Кимки қасддан менга ёлғоннинг нисбатини берса, у ўзига дўзах оловидан ўтирадиган жой тайёрлабди", – деган ҳадислари билан "Аҳди китобларни тасдиқ ҳам, такзиб ҳам қилманглар, биз Аллоҳга ва у бизга нозил қилган муқаддас китобларга имон келтирдик!" – деган ҳадислари орасини жам қилган ҳолда, уларнинг гапларини ёлғон эмаслигини билиб туриб, керакли, фойдали гапларни айтганлар. Чунки Пайғамбар (с.а.в.) ҳеч кимга ёлғон гапиришга рухсат бермаганлар.

Юқорида айтилган гаплар ва келтирилган ҳадисларни мазмунидан исроилиётлардан тафсирда фойдаланиш учун шариат изн берган миқдор маълум бўлди. Шу билан бирга саҳобаларнинг аҳли китоблардан ривоят қабул қилишда жуда ҳам эҳтиёткор бўлишлари саҳобалар мисолида кўриб ўтилди.

Аммо тобиъийларга келсак, улар аҳли китоблардан жуда кўп сўрар ва уларнинг хабарларини тасдиқ қилишар эдилар. Шунинг учун тобиъийлар давридаги тафсирларда исроилиётлар ҳаддан ортиқ кўпайиб кетди. Ҳатто муфассирлар орасида шундай гуруҳ пайдо бўлдики, бу гуруҳ Қуръони карим тафсирларини яҳудий ва насронийлардан эшитган ривоятлар, бир-бирига зид бўлган ҳикоялар, қиссалар билан тўлдириб ташлади. Улардан бири ҳижрий сананинг 150 йилида вафот этган Муқотил ибн Сулаймон эди. Абу Ҳотимнинг айтишича, Муқотил "ўзининг Қуръон тафсири бўйича илмини насроний ва яҳудийлардан олган илм билан бойитган ва Қуръонни уларнинг китобларига мувофиқлаштириб олган эди".

Тобиъийлар замонидан яна бир оз муддат ўтгандан кейин бундай тажовузкорлик, исроилиётларга берилиш шу даражага етдики, энди ҳар бир ривоятни рост-ёлғонлигини, кимдан ва қаердан эшитилганлигини суриштирмай, агарчи ақл кўтармаса ҳам, Қуръон оятлари қаторига тафсир сифатида қўшиб айтила бошланди, Тафсирларни китоб қилиб ёзиш – тадвин даврида эса тафсир китоблари ана шундай исроилиётлар ва асоссиз ривоятлар билан тўлдирилди.

Исроилиётлар уч қисмга бўлинади:

1. Саҳиҳлиги аниқ билинган, яъни Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан нақл қилинган хабар, масалан: Мусо (а.с.) билан ҳамроҳ бўлган солиҳ кишининг исми. Пайғамбар (с.а.в.) у зотнинг исми Хизир (а.с.) эканлигини очик айтиб берганлар. Бундай ривоятлар шубҳасиз қабул этилади.

2. Ёлғонлиги аниқ билинган, ақлга ҳам тўғри келмайдиган ва шариатга мутлақо зид бўлган ривоятлар бўлиб, бундай ривоятлар қабул этилмайди.

3. Биринчига ҳам, иккинчига ҳам кирмайдиган ривоятлардан фойдаланиш жоиз, аммо уларни тасдиқ ҳам қилинмайди, ёлғонга нисбат ҳам берилмайди. Чунки, Пайғамбар (с.а.в.): "Аҳли китобларни тасдиқламанглар ва такзиб ҳам қилманглар, уларга: "Биз Аллоҳга ва у нозил қилган нарсаларга имон келтирдик", денглар!" – деганлар".

в) Тафсири маъсурнинг заиф саналишига охирги учинчи сабаб – бу ровийларнинг санадларини тушириб қолдириш, яъни зикр этмаслиқдир. Саҳобийлар ўзлари ривоят қилган ҳадиснинг рост эканлигига қаттиқ аҳамият берар эдилар. Шунинг учун бирор саҳобий ҳадис ривоят қиладиган бўлса, айтган ривоятига албатта тасдиқловчини ҳам топиб қўярди. Саҳобийлар ҳеч қачон бир-бирларидан санад сўраган эмаслар, чунки, улар бир-бирларининг адолатли ва ишончли эканликларига шубҳа қилмаганлар. Бироқ, бирор саҳобийда шундай гумон пайдо бўлиб қолса, дарҳол гувоҳ ёки қасам билан тасдиқдаб олардилар. Бу нарсa бир-бирларига ишончни йўқолганидан эмас, ишончни мустаҳкамлаш учунгина эди.

Тобийлар даврида ёлғон ҳадисларни тўқиш кўпайиб кетганлиги учун ҳар бир ҳадиснинг саҳиҳлигини ровийларнинг санади ва уларнинг адолати билан тасдиқлашга аҳамият берилди. Аммо санад зикр қилинса ҳам, зикр қилинмаса ҳам, агар ровийлар ишончсизроқ бўлса ундай ҳадис олинмайдиган бўлди. Имом Муслим ўз "Саҳиҳ"ининг муқаддимасида Ибн Сийрийндан шундай ривоят қилган: "Авваллари исноддан сўралмас эди. Фитна бошлангандан кейин, ҳар бир ровийдан аввал кимлар ривоят қилганлигини сўрай бошланди".

Тобийлар даврида ривоят қилинган тафсири маъсурлар Пайғамбар (с.а.в.)дан ёки саҳобийдан фақат иснод билан ривоят қилинар эди.

Тобиъийлардан кейинги асрда жамланган ва девон қилинган тафсирлар ҳам худди шундай санад билан ривоят қилиб ёзилган. Масалан: Суфён ибн Уяйна, Вакиъ ибн Ал-Жарроҳ ва бош-қаларнинг тафсирлари шулар жумласидандир.

Кейинги асрларда ёзилган тафсирларнинг муаллифлари санадларни қискартириб, ривоят қилган гапларининг эгаларини зикр қилмасдан ёзишлари натижасида, уларнинг саҳиҳлигига путур етди, турли ишончсиз гаплар кириб қолди ва саҳиҳ билан носаҳиҳ аралашиб кетди.

Агар ёлғон тўқиш ва исроилиётларни қўшиш ҳар қанча айб бўлса ҳам, агар улар иснод билан берилса, рост ёки ёлғонлигини аниқлаб олиш мумкин бўлади. Аммо, ҳар қандай ривоят иснодсиз берилса, унинг рост ёки ёлғонлигини аниқлаб бўлмайди, ҳамма нарсa махфий бўлади. Шунинг учун ровийлари иснодсиз берилган тафсир ҳам, ҳадис ҳам ниҳоятда заиф, ишончсиздир.

Юқорида санаб ўтилган уч сабаб тафсирларнинг заиф саналишига олиб келади. Бу хатар кейинги вақтда уламоларнинг кўнглига тушиб, баъзи тафсирларни исроилиётлардан ва ёлғон тўқималардан тозалашга ҳаракатлар қилинди. Аммо учинчи ва жуда хатарли сабаб бўлган иснодсиз ёзилган тафсирларни тозалашга ҳеч ким журъат этолгани йўқ. Бу амал бир кишининг иши эмас, уламолар жамоасининг иши бўлиб, шоядки келажакда тафсири маъсурларнинг иснодсиз ёзилганлари ислоҳ этилиб тўлдирилса! – деб умид қиламиз.

3. Муфассирлар томонидан турли асрларда ёзилган тафсири маъсурлар. Тафсири маъсурларнинг адади жуда кўп бўлиб, уларнинг барчаси ҳақида фикр юритиш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун бу тафсирларнинг энг машҳурларини танлаб олиб уларнинг рўйхатларини қуйида келдирдик. Чунки, бу тафсирлар ислом уламолари орасида энг машҳур, энг мукаммал, ишончли бўлган асарлар бўлиб, кутубхоналарда ва олимларимизнинг шахсий кутубхоналарида мавжуддир:

1. Ибн Жарир ат-Табарийнинг “Жомиу-л-баён фий тафсири-л-Қуръон”;
2. Абул-Лайс ас-Самарқандийнинг “Баҳру-л-улум”;
3. Абу Исҳоқ ас-Саълабийнинг “Ал-кашф ва-л-баён ан тафсири-л-

Қуръон”;

4. Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн ал-Бағавийнинг “Маолиму-т-Танзил”;

5. Ибн Атийя ал-Андалусийнинг “Ал-Мухаррир ал-важиз фий тафсири ал-Китоб ал-азиз”;

6. Абул-Фидо ал-Ҳофиз Ибн Касир “Тафсирул-Қуръонил-азим”;

7. Абдурроҳман ас-Саолибий “Ал-Жавоҳир ал-Ҳисон фий тафсирил-Қуръон”;

8. Жалолуддин ас-Суютийнинг “Аддурру-л-мансур фи-т-тафсирил-маъсур”.

Таянч иборалар: “Тафсири маъсур” – нақлга асосланган тафсирларга нисбатан ишлатилади, “Мавзуъ ҳадис” – тўқима ҳадисларга айтилади, “Жорижий” – Али ва Муовия ўртасида бўлиб ўтган музокарага рози бўлмай ажралиб чиққан бир гуруҳга айтилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафсири маъсурнинг бошқа тафсирлардан фарқи нимада?
2. Қандай омилларга асосланиб тафсири маъсурни заиф санаш мумкин?
3. Қайси тафсирлар тафсири маъсур дейилади?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

25. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.—Т.: Мовароуннаҳр, 1999.—122 б.

26. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.

27. Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. “Мовароуннаҳр”, 1995.

28. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

29. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.

30. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.

31. Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.

32. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993. 281-б.

8-Мавзу. Исроилиётлар

1. Исроилиёт ровийлари

2. Абдуллоҳ ибн Саломнинг таржимаи ҳоли

3. Каъбу-л-Ахборнинг таржимаи ҳоли

4. Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг таржимаи ҳоли

5. Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж

1. Тафсири маъсур китобларини варақлаган киши ундаги исроилиётлар асосан тўрт кишидан ривоят этил-ганига гувоҳ бўладилар. Уларнинг бири Абдуллоҳ ибн Салом, иккинчиси Каъбу-л-Ахбор, учинчиси Ваҳб ибн Мунаббаҳ, тўртинчи Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайждир. Бу ровийларнинг ҳар бири ҳақида уламоларнинг турли ихтилофлари мавжуд бўлиб, баъзилари ровийларни ёлғончига чиқарганлар, баъзилари эса улардан туҳмат тамғасини олиб ташлашга ҳаракат қилганлар.

2. Абдуллоҳ ибн Саломнинг таржимаи ҳоли.

Унинг тўлиқ исми Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом ибн ал-Ҳорис ал-Исроилий ал-Ансорий бўлиб, насаби Юсуф ибн Яъқуб (а.с.)нинг авлодларидандир. Абдуллоҳ ибн Салом Пайғамбар (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан сўнг исломга кирган. Имом ал-Бухорий ўз "Саҳиҳ"ларининг ҳижрат бобида Абдуллоҳ ибн Саломнинг исломга кириш воқеасини ривоят қилганлар: "... Аллоҳнинг пайғамбари келганларидан сўнг у кишининг ҳузурларига Абдуллоҳ ибн Салом келди ва деди: "Гувоҳлик бераманки, албатта Сиз Аллоҳнинг элчисисиз. Албатта, Сиз ҳақни келтирдингиз. Яҳудийлар мени ўзларининг улуғлари ва улуғларининг ўғли, олимроқлари ва олимроқларининг ўғли, деб биладилар. Менинг исломга кирганимни эшитмасларидан олдин, уларни чақиринг ва мен ҳақимда сўранг. Агар исломга кирганимни билсалар, мен ҳақимда ёлғон гапни айтадилар". Пайғамбар (с.а.в.) одам юбориб, яҳудийларни чақиртирдилар. Улар келганда шундай дедилар:

“Эй яҳудийлар жамоаси, Аллоҳдан қўрқинглар, ёлғиз Аллоҳ номига қасамки, сизлар шубҳасиз мен Аллоҳнинг ҳақ элчиси эканимни ва сизларга ҳақни келтирганимни биласизлар, шунинг учун исломга кириңглар!”

Пайғамбар (с.а.в.) бу сўзни уч марта такрорладилар, аммо яхудийлар: "Биз ҳеч нарса билмаймиз", – деб инкор қилдилар. Пайғамбар (с.а.в.) улардан: "Абдуллоҳ ибн Салом ораларингизда қандай одам?" – деб сўрадилар. Улар: "Абдуллоҳ ибн Салом бизнинг улуғимиз ва улуғимизнинг ўғли, олимроғимиз ва олимроғимизнинг ўғлидир", – дедилар. Пайғамбар (с.а.в.) яна сўрадилар: "Агар Абдуллоҳ ибн Салом исломга кирса нима дейсизлар?". Улар: "Бундан худо асрасин, Абдуллоҳ исломга кирмайди!" – дейишди. Пайғамбар (с.а.в.): "Эй Абдуллоҳ, чиқ, бу ёққа!" – дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом ичкаридан чиқиб келди ва яхудийларга деди: "Эй яхудийлар жамоаси, Аллоҳдан кўрқинглар, Ягона зот бўлган Аллоҳга қасамки, сизлар Унинг пайғамбар эканлигини ва ҳақни олиб келганини яхши биласизлар". Яхудийлар: "Ёлғон гапиряпсан", – деб Абдуллоҳнинг сўзини олишмади. Пайғамбар (с.а.в.) уларни ҳузурларидан чиқариб юбордилар".

Абдуллоҳнинг асли исми Ал-Ҳасийн эди, Пайғамбар (с.а.в.) уни Абдуллоҳ деб атадилар ва уни жаннати одам эканлигига гувоҳлик бердилар.

Имом ал-Бухорий Ансорларнинг маноқиблари тўғрисида гапирганда Абдуллоҳнинг маноқибига алоҳида боб ажратганлар. Бу бобда Саъд ибн Абий Ваққосдан шундай ҳадис ривоят қилинган: "Мен Пайғамбар (с.а.в.)нинг Абдуллоҳ ибн Саломдан бошқа тирик юрган бирор киши ҳақида: "У жаннат аҳлидандир", деганларини эшитмаганман. Аммо Абдуллоҳ ҳақида шундай гапни айтган эдилар. Аллоҳнинг ушбу ояти каримаси айни Абдуллоҳ ибн Салом хусусида нозил қилинган".

Абдуллоҳ ибн Салом Умар (р.а.) билан бирга Байту-л-Муқаддас ва Ал-Жобияҳнинг фатҳида қатнашган. Ҳижратнинг қирқ учинчи йилида Мадинада вафот этган.

Баъзи ислом тарихчилари Абдуллоҳ ибн Саломни Бадр жанги иштирокчилари қаторига қўшганлар, баъзилари эса уни учинчи табақа қаторига, яъни Хандақ ғазоти ва ундан кейинги ғазотлар иштирокчилари қаторига қўшадилар.

Тавротнинг яхши билишини яхудийлар, Қуръоннинг яхши билишини мусулмонлар тан олган, унинг ҳақиқа Қуръон ояти нозил бўлган ва

жаннатилигига Пайғамбар (с.а.в.) башорат берган киши ҳақида, унинг илми, ишончлилиги ва адолатига таъна етказишга ҳеч кимнинг ҳадди ва ҳаққи йўқдир.

3. Каъбул Аҳборнинг таржимаи ҳоли

Унинг тўлиқ исми Абу Исҳоқ Каъб ибн Мотиъ ал-Ҳумайрий бўлиб, Каъбу-л-Аҳбор номи билан машҳурдир. Унинг асли Яман яҳудийларидан, жоҳилият даврини кўрган, Абу Бакр ас-Сиддиқ ёки Умар халифалик даврларида исломга кирган. Баъзиларнинг айтишича, Каъб Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлик пайтларида исломни қабул қилган, аммо Мадинага ҳижрати кечиккан. Ибн Ҳажар “ал-Фатҳ” номли китобида: “Каъбнинг исломга кириши Умарнинг халифалик даврларида бўлгани ҳақидаги гап машҳурроқ. Мусулмон бўлганидан кейиноқ Мадинага ҳижрат қилган, Рум ғазотида иштирок этган. Усмоннинг халифалик даврларида Шомга қайтиб келган ва Ҳимсда яшаган. Ҳижрий сананинг ўттиз иккинчи йилида Ҳимсда вафот этган” дейилган.

Ибн Саъд Каъбни шомлик тобиъийларнинг биринчи табақасидан ҳисоблайди. Унинг айтишича, Каъбу-л-Аҳбор яҳудий динида бўлган, кейин исломни қабул қилган ва Мадинага келган. У ердан Шомга бориб, Ҳимсда яшаган ва шу ерда бир юз қирқ ёшида оламдан ўтган.

Каъбнинг илми жуда чуқур эди. У Таврот ва Қуръон илмларини жамлаган эди. Шунинг учун ҳам уни “Каъбу-л-ҳибр ва Каъбу-л-Аҳбор деб аташар эди. Каъбу-л-Аҳбор Ваҳб ибн Мунаббаҳ сингари ривоятларни ёзмаган, балки ҳамма шогирдлари ҳам оғизма-оғиз ўрганишар эди.

Каъбу-л-Аҳбор номига баъзилар таъна ва маломат тошини отганлар. Лекин, мартабалари қанчалик юқори бўлишига қарамай Ибн Аббос (р.а.) ҳам, илмлари қанчалик етук бўлишига қарамай Абу Ҳурайра (р.а.) ҳам ва бошқа кўплаб саҳобийлар ҳам Каъбу-л-Аҳбор ривоятларини қабул этганлар ва ўзлари ҳам ривоят қилганлар. Имом Муслим, Абу Довуд, Ат-Термиздй ва Ан-Насайлар ҳам ўзларининг саҳиҳларида Каъбу-л-Аҳбордан ҳадислар ривоят қилиб, ёзганлар. Мана шулар Каъбнинг ниҳоятда ишончли ровий эканлигини ва унга таъна тошлар отувчиларининг сўзлари очиқ тухмат эканлигини исботлайди.

4. Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг таржимаи ҳоли.

Унинг тўлиқ исми Абу Абдиллоҳ Ваҳб ибн Мунаббаҳ ибн Сийж ибн Зий Каноз ал-Ямоний Ас-Санъоий бўлиб, қиссалар соҳиби ва тобиъийларнинг энг яхши уламоларидан эди.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамбалнинг айтишига қараганда, Ваҳб ибн Мунаббаҳ форс болаларидан эди. Унинг отаси Мунаббаҳ Хуросоннинг Ҳирот шаҳаридан бўлиб, уни Кисро мамлакатдан Яманга чиқариб юборган эди. Ваҳб ибн Мунаббаҳ Пайғамбар (с.а.в.) нинг замонларида исломга кирди. У Санъода қози-лик вазифасида ишлади.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Абдурраҳмон ал-Ҳаравийнинг айтишича, Ваҳб ибн Мунаббаҳ ҳижрий сананинг ўттиз тўртинчи йилида, Усмоннинг халифалик даврида дунёга келган.

Ибн Саъд ва бошқа бир неча олимларнинг айтишича, Ваҳб ибн Мунаббаҳ ҳижрий сананинг бир юз ўнинчи йилида вафот этган.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ Абу Ҳурайра (р.а.), Абу Саъид Ал-Худрий (р.а.), Ибн Аббос (р.а.), Ибн Умар (р.а.), Ибн Амр ибн Ос (р.а.), Жобир (р.а.), Анас (р.а.) ва бошқалардан ривоят қилган.

Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг ривоятлари Имом Ал-Бухорий, Муслим, Ан-Насоий, Ат-Термизий ва Абу Довуднинг саҳихларида келтирилган.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ чуқур илмли, қадимий китобларни кўп ўқиган, оламнинг яратилиши ҳақидаги ўтмиш хабарлар ва тарихий қиссаларни кўп биладиган олим эди. Ундан “Фил Мағозий” номли асар ҳам қолган.

Ибн Халликоннинг гувоҳдик беришича, Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг яна бир китоби бўлиб, унда Ҳимярда подшоҳлик қилган кишиларнинг қиссалари, тарихлари, қабрларининг ўрни ва шеърлари ёзилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: "Ҳижрий юзинчи йилда барча фақиҳ олимлар ҳажга бордилар. Ваҳб ибн Мунаббаҳ ҳам улар орасида бор эди. Хуфтон намози ўқилгандан кейин Ваҳбнинг олдида тақдир масаласи тўғрисида мунозара кдлиш учун Ато ва Ал-Ҳасан келишди. Буни сезган Ваҳб ибн Мунаббаҳ эса Аллоҳга ҳамд айтиш тўғрисида шунчалик узоқ маъруза қилдики, шу билан тонг отди ва тақдир тўғрисида савол беришга имкон қолмади.

Ҳаммод ибн Салама Абу Саннондан Ваҳбнинг шундай деганини ривоят қилган: “Мен тақдир тўғрисида ўзимча масала айтардим. Фикримни равшанлаштириш мақсадида ўтган анбиёларнинг китобларидан етмишдан ортиғини мутолаа қилиб чиқдим. Барчасида ҳам: “Кимки хоҳишим ўзимда, тақдирим ўз қўлимда деса, у одам албатта кофир бўлади” – дейилганини ўқиб, мен тақдир ҳақидаги ўз фикримдан воз кечдим.

Ал-Жузжоний айтади: “Ваҳб қадар тўғрисида бир китоб ёзган эди, кейин тушуниб пушаймон еди”.

Мусанно ибн Ас-Сабоҳ айтади: “Ваҳб ибн Мунаббаҳ йигирма йил хуфтон намози билан бомдод номози ўртасида таҳорат янгиламаган”.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ қадимий китоблар ва Қуръон илмини мукаммал билиш билан бирга, кечаси билан ибодатга машғул бўлган, ҳақ олдида доим таслим эди, инсофли эди. Ўзининг қадар тўғрисида хато кетгани-ни тан олиши ва пушаймон ейиши унинг нақадар эътиқоди мустаҳкам эканлигини, унинг ҳақида таъна ва маломат қилинишига асос йўқлигини кўрсатади.

Ваҳб хусусида жуда кўп уламолар яхши таъриф берганлар. Унинг номига етказилган таъналар туҳматдан бошқа нарса эмас.

5. Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж

Унинг тўлиқ исми Абу Холид ёки Абу-л-Валид Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж ал-Умавий бўлиб, асли румлик насроний эди. Исломга киргандан сўнг Макка уламоларидан ва муҳаддисларидан бири бўлди. Ибн Журайж Ҳижозда китоб ёзган биринчи олимдир. У тобиъийлар даврида исроилиётларнинг қутби(кони) бўлган эди. Агар Ибн Жарир ат-Табарийнинг тафсирини варақлаб кўрсак, насронийлар ҳақидаги оятларнинг барчасида Абдулмалик номидан Ибн Журайж таҳаллуси билан ривоят қилинганини кўрамыз.

Ибн Журайж ўз отаси Абдулазиз, Ато ибн Абий Рабоҳ, Зайд ибн Аслам, аз-Зухрий ва бошқалардан ривоят қилган. Ундан эса икки ўғли Абдулазиз ва Муҳаммад, Ал-Авзоъий, Ал-Лайс, Яҳё ибн Саид ал-Ансорий, Ҳаммод ибн Зайд ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ибн Саъднинг айтишича, Ибн Журайж ҳижрий сананинг саксонинчи йилида туғилиб, тахминан бир юз эллик ёки бир юз эллик тўққизинчи йилда вафот этган.

Ибн Журайж Молик ибн Анас табақасидан ҳисобланиб, ҳадис жам қилган ва уларни китоб қилиб ёзган биринчи муаллифдир. Унинг туғилган жойи Макка бўлса ҳам, илм талабида жуда кўп шаҳарларни кезган, Басра, Яман ва Бағдодда таълим олган эди.

Ибн Халдуннинг айтишича, Ибн Журайж ёши ўтган вақтда илм ўрганишга киришди. Агар ёшлик пайтидан бошлаганда эди, кўплаб саҳобийлардан таълим олган бўларди. Илм ўрганишда сабр-тоқати беқиёс эди.

Ибн Журайждан Қуръон тафсирида жуда кўп ри-воятлар келган, уларнинг ҳаммаси Ибн Аббос номи-га боғлиқ бўлиб, бу ривоятларнинг баъзилари саҳиҳ бўлса, баъзилари саҳиҳ эмас. Чунки, Ибн Журайж-нинг мақсади ҳар бир оят тафсирида қилинган риво-ятларни жамлаш бўлган, уларни саҳиҳ ва носаҳиҳини саралаш эмас. Шунинг учун ривоятларни аралаш жамлайверган.

Ибн Журайжнинг адолати юзасидан уламолар ҳузуридаги эътиборини олсак, унинг ҳақида ҳамма уламолар билиттифоқ хайрихоҳ эмаслар. Баъзилари унга ишончли деб баҳо берган бўлсалар, баъзилари заифликка нисбат берадилар. Уламолардан Ал-Ажалий, Сулаймон ибн ан-Назр, Яҳё ибн Саид Ибн Журайж ҳақида яхши фикр билдирганлар.

Яҳё ибн Саид айтади: "Ибн Журайж энг ростгўй ровийлардандир, агар у "ҳаддасаний" сўзи билан ривоят бошласа, уни оғиздан эшитганлигига, агар "ахбараний" сўзи билан бошласа, уни қироат қилинганига, агар "қола" сўзи билан бошласа, у ривоят ишончсиз эканлигига далолатдир".

Аммо уламолардан Ад-Дорукутний Ибн Журайж ҳақида: "Ибн Журайжнинг тадлисидан қочинг! Чунки у жуда ёмон тадлисчидир", – дейди.

Ибн Ҳаббон "Ас-Сиқот" китобида, Аз-Заҳабий "Ме-зонул-эътидол" китобида Ибн Журайжни ўзи ишончли ровий, аммо ривоятида тадлис бор, дейишган.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ханбал Убайдан ривоят қилиб айтади: "Ибн Журайжнинг ривоят қилган мурсал ҳадислари мавзуъ (ёлғон) ҳадисдир. Ибн Журайж ҳадис ривоят қилаётганда, ҳадисни кимдан олаётган-лигига эътибор қилмайди ва "аҳбарту, ҳаддасту ан фулонин", – деб айтаверади".

Ал-Хазражийнинг айтишича, Ибн Журайж "олти саҳиҳ"нинг муаллифлари томонидан ишончли ровий сифатида тан олинган ва ҳадислари ривоят қилинган.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, дейиши-миз мумкинки, ҳар бир муфассир агар Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайждан ривоят оладиган бўлса, аввал у ривоятни бошқаси билан тасдиқлаб олиб, саҳиҳ бўлса олсин, заиф бўлса тарк қилсин.

Таянч иборалар: Исроилиёт ровийлари, ровийларнинг санадини тарк этиш, "Яҳудийлар мени ўзларининг улуғлари ва улуғларининг ўғли, олимроқлари ва олимроқларининг ўғли, деб биладилар", учинчи табақа, Абдуллоҳ ибн Салом ўнта жаннати саҳобанинг ўнинчиси, мурсал ҳадис, Каъбнинг илми жуда чуқур эди. У Таврот ва Қуръон илмларини жамлаган эди. Шунинг учун ҳам уни "Каъбу-л-ҳибр ва Каъбу-л-Аҳбор, деб аташар эди, АбудДардо ҳукамоларнинг бири, Амр ибн Ал-Ос ҳам ҳукамоларнинг бири, Каъбу-л-Аҳбор эса уламоларнинг биридир, Ваҳб ибн Мунаббаҳ форс болаларидан эди, ўтмиш хабарлар ва тарихий қиссалар, Ундан "Фил Мағозий" номли асар ҳам қолган, "Ваҳб қадар тўғрисида бир китоб ёзган эди, кейин тушуниб пушаймон еди", исроилиётларнинг кутби, араб шеърларини ва шажараларини, уламолар билиттифоқ хайрихоҳ эмаслар,"Ибн Журайжнинг тадлиси, ровийларнинг санадларини тушириб қолдириш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Исроилиёт ровийларининг энг машҳурлари кимлар?
2. Қайси тафсирларда исроилёт ривоятлари кўп учрайди?
3. Тафсир ёзишда исроилиёт ривоятларидан фойдаланиш мумкинми?

Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

- 33.Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари.—Т.: Мовароуннаҳр, 1999.-122 б.
- 34.Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., 2001.
- 35.Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Т. "Мовароуннаҳр",1995.
- 36.Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 4 жилдли. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

- 37.Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Маҳмуд Тарозий-Алихон тўра таржимаси. Т., Меҳнат, 1991.
- 38.Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
- 39.Кароматов Ҳ.С. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т., Фан, 1993.
- 40.Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторликдиссертация), Тошкент: 1993.281-б.

9. ЎҚУВ УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ РЎЙХАТИ

Асосий:

1. Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари фанидан ўқиладиган маърузалар матни. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.
2. Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.

Қўшимча:

3. Мансуров А. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
4. Обидов Р. Қ. Илоҳий китоблар. ТДШИ., 2000.
5. Ибн Касир. Қисасул-анбиё. Қоҳира.
6. Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. 1-4 жилдлар. Т., 1998.
7. Имом Суютий. Ал-Итқон фий улумил Қуръон.
8. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (докторлик диссертацияси), Тошкент: 1993. 281-б.
9. Имом Ассуютий. Ал-Итқон, 1-2-ж.
10. Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий. Тошкент.: Мовароуннаҳр, 1997. 640-б.
11. Тафсири Ибн Касир. Байрут: 1969. 1—4-томлар.
12. Тафсири Табарий. Байрут: 1999. 3-нашр. 1-13-ж.
13. Тафсиру ибн Касир. Байрут: 1969. 1-ж.
14. Тафсири Табарий. Байрут: 1999. 3-нашр. 1-13-ж.
15. Термизий. Сунани Термизий. 1-ж. Тошкент: Адолат, 1999.
16. Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафнинг тарихи. Т. "Мовароуннаҳр", 1995.